Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

O‘ZBEK TILIDA LISONIY SHAXSNI SHAKLLANTIRUVCHI IJTIMOIY OMILLAR

Saatova Surayyo Ismailovna,
Mirzo Ulug‘bek nomidagi
O‘zbekiston Milliy universiteti o‘qituvchisi

Keyingi yillarda dunyo tilshunosligida tilni o‘rganishda yangidan yangi tadqiq usullarining yuzaga kelishi natijasida yangicha yondashuvlarga ehtiyoj sezilmoqda. Tilshunoslikda antropotsentrik paradigmaning yuzaga kelishi, ya'ni tilda insonning, insonda tilning tahlil qilinishi yangi sohalarning ham yuzaga kelishiga sabab bo‘ldi. Ayniqsa, tilni undan foydalanuvchi til egasining shaxsiy sifatlari: millati, diniy mansubligi, yoshi, jinsi, kasb-kori, ruhiyati, ijtimoiy mavqeyi, dunyoqarashi, bilim darajasi kabi omillar bilan bog‘liq holda tadqiq etishga e'tibor qaratildi. Tilning amaliy-vazifaviy imkoniyatlarini kommunikativ jarayonda o‘rganishga jiddiy kirishildi.

Tilshunoslarning bu kabi qarashlari nutqni yaratish va ishlatish jarayonlarida insonning yetakchi rolini tan olish bilan bog‘liq[1]. Yangi lingvistik paradigmada nutq yaratuvchi insonni o‘rganish jarayonida tilshunoslar, madaniyatshunoslar, sotsiologlar, faylasuflar manfaatlari to‘qnashishini taqozo qiladi. Y.K.Voloshin to‘g‘ri ta‘kidlaganidek, “Ko‘p yillar davomida tilshunoslar “jim odam” ni o‘rganishdi. Til va odamlarni har tomonlama o‘rganish tadqiqotchilarni “nutq so‘zlovchi odam” ning barcha jihatlariga jiddiy e'tibor berishga undadi.[2] Lingvopersonologiyaning asosiy o‘rganish predmeti lisoniy shaxs bolib, tilshunoslikda bu termin 90-yillardan boshlab keng qo‘llana boshlagan. Bu tushuncha birinchi marta 1927-yili nemis tilshunosi Y.Vaysgerberning “Ona tili va ruhning shakllanishi” nomli risolasida paydo bo‘lganligi ilmiy adabiyotlarda qayd etiladi[3].

Lisoniy shaxs ko‘p qirrali tushuncha bo‘lib, uni yuzaga chiqaruvchi omillar ham xilma-xildir. Lisoniy shaxsni shakllantirishda, ayniqsa, lingvistik omil bilan bir qatorda ekstaralingvistik omillar hisoblangan: kishining lavozimi, kasbi, hunari, mavqeyi, yoshi, jinsi, dini, millati va boshqalar muhim ahamiyat kasb etadi. Inson kommunikatsiyani yuzaga keltiruvchi bosh

[1] Волошин Ю.К. Общий американский сленг: состав, деривация и функция (лингвокультурологический аспект 222): Монография. – Краснодар: Кубан. гос. ун-т, 2000. – 280 с.

[2] Волошин Ю.К. Общий американский сленг: состав, деривация и функция (лингвокультурологический аспект): Монография. – Краснодар: Кубан. гос. ун-т, 2000. – 282 с.

[3] Usmanova Sh. Lingvokultrologiya. – Toshkent, 2019. – B. 179.

tashkilotchidir. Nutqiy muloqot esa insondan tashqarida amalga oshmaydi. Nutqiy muloqotga shaxs bilan bog‘liq turli omillar ta’sir ko‘rsatadi.

V.V.Bogdanov nutqiy muloqot jarayoniga ishtirok etuvchi va unga ta’sir ko‘rsatuvchi shaxs xususiyatlarini quyidagicha farqlagan: 1) lisoniy qobiliyat; 2) ma’lum millatga mansublik; 3) ijtimoiy-madaniy mavqe (ma’lum ijtimoiy guruhga oidligi, kasbi, lavozimi, ma’lumoti, yashash joyi, oilaviy ahvoli); 4) biologik-fiziologik ko‘rsatkichlari (jinsi, yoshi, sog‘ligi, jismoniy nuqsonlarining mavjudligi yoki yo‘qligi); 5) ruhiy-psixologik turi (temperamenti, patologik ko‘rsatkichlari); 6) vaziyatga nisbatan o‘zgaruvchan ruhiy holati (kayfiyati, muvaqqat bilimi, maqsadi va qiziqishi); 7) doimiy didi, qiziqish va odatlari; 8) tashqi ko‘rinishi (kiyinishi, o‘zini tutishi, xulq-atvori)[1]. Anglashilganidek, V.V.Bogdanov farqlagan nutqiy muloqot jarayoniga ishtirok etuvchi va unga ta’sir ko‘rsatuvchi shaxs xususiyatlarida ham ijtimoiy omillarning ko‘pligi e’tiborni tortadi.

Til va inson, til va jamiyat, til va borliq o‘rtasidagi aloqadorlik juda qadimdan anglangan haqiqat bo‘lib, “Tilning jamiyatga, jamiyatning esa tilga ta’siri bugungi antropotsentrik tilshunoslikdagi o‘zak qoidalardandir, til bilan birgalikda jamiyat, jamiyat bilan birgalikda til rivojlanib boradi”[2].

Lisoniy shaxs haqida so‘z yuritar ekan, A.A.Leontev har bir millat dunyoqarashining asosga egaligi va har bir millatning dunyoqarashi o‘zining subyektiv qadriyatlari, ijtimoiy stereotiplari, bilim sxemalari tizimidir ekanligini ta’kidlaydi. Shuning uchun inson ongi har doim etnik jihatdan shartlangan, bir xalq tomonidan dunyoni ko‘rishni oddiy “qayta yozish” orqali boshqa xalq madaniyati tiliga tarjima qilish mumkin emas deb hisoblaydi[3].

Mutaxassislar fikricha, til har doim xalqning eng yorqin xususiyatlarini belgilovchi hodisa sifatida e’tirof etilgan. XIX asr tilshunosligida “Til va madaniyat”, “til va inson” asosiy muammolardan biri bo‘lib, V.fon Gumboldt, E.Benveniste, G.Steyntal, A.A.Potebnya va boshqa olimlarning asarlarda ko‘rib chiqilgan.

Maqolada tavsiflash, qiyoslash, tasniflash, kontekstual tahlil metodlaridan foydalanildi. Keyingi asrlarda, ayniqsa, tilni undan foydalanuvchi til egasining shaxsiy sifatlari: millati, diniy mansubligi, yoshi, jinsi, kasb-kori, ruhiyati, ijtimoiy mavqeyi, dunyoqarashi, bilim darajasi kabi omillar bilan bog‘liq holda tadqiq etishga e’tibor qaratildi.

O‘zbek tilida yozilgan matnlarda yozuvchilar jamiyatdagi turli xil yoshdagi insonlar nutqini yaratishgan, jumladan, yosh bola nutqi, yoshlar nutqi, kattalar nutqi. O‘zbek tilshunosligida badiiy matnda lisoniy shaxs tiplari haqida tadqiqot olib borgan

D.Niyazova til egasi yosh xususiyatining nutqda reallashuvi asosida lisoniy shaxs tiplarinini ikkiga bo‘ladi: bolalar nutqiga xos lisoniy shaxs tipi, kattalar nutqiga xos lisoniy shaxs tipi[4].

Bolalar nutqida o‘ziga xos intonatsiya, ovozning jarangdorligi, fonetik jihatdan o‘ziga xoslik kuzatiladi. Til sistemasining to‘liq o‘zlashtirilmaganligi, nutqiy kompetensiyalarning shakllanmaganligini kuzatishimiz mumkin.

Lisoniy shaxs – bola nutqida kuzatilgan tovush talaffuzidagi nome’yoriy holat natijasida kommunikativ-pragmatik to‘siq yuzaga kelib, tinglovchi tomonidan nutqiy aktda aks etgan axborotning idrok etilishi qiyinlashadi. Albatta, nutqda so‘zlovchining yosh jihati bilan bog‘liq fiziologik omillar ta’sirida til birligi qancha ko‘p fonetik o‘zgarishga uchrasa, tinglovchining uni idrok etishi shu darajada murakkab kechadi. O‘zbek tilshunosligida o‘zbek bolalar nutqining pragmatik xususiyatlarini tadqiq qilgan M.Qurbonova kattalar nutqida pragmatik to‘siq ko‘pincha tilning orfoepik me’yorlariga amal qilmaslik, leksik birliklarni noo‘rin qo‘llash kabilar bilan bog‘liq holda yuzaga kelib, nutq mazmunini xiralashtirsa; bolalarda leksik birliklardan ma’nosini tushunmay nutqda foydalanish, talaffuz me’yorlariga rioya qilmaslik kabilar pragmatik to‘siqning yuzaga kelishiga sabab bo‘lishini ta’kidlaydi[5]. O‘zbek tilshunosligida bu masalaga dastlab M.Hakimov munosabat bildirgan bo‘lib, tilshunos olim pragmatik to‘siqni so‘zlovchining kommunikativ maqsadiga muvofiq bo‘lmagan nopragmatik axborot sifatida baholaydi[6]. M.Hakimov nutqda pragmatik to‘siq muayyan omillar ta’sirida yuzaga kelishini ta’kidlaydi hamda pragmatik to‘siqning me’yorsiz talaffuz, nome’yoriy so‘z qo‘llash, grammatik shakl va sintaktik qurilmalarning me’yorsiz bog‘lanishi, funksional uslubning me’yorsiz qo‘llanishi natijasida yuzaga kelishini qayd etadi[7].

Quyidagi matnda yosh bola lisoniy shaxsining voqelanganligini sezish mumkin:

[1] Богданов В.В. Речевое общение: прагматические и семантические аспекты. – Ленинград: Изд-во ЛГУ, 1990. – С. 28-29.

[2] Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент, 2017. – Б. 13.

[3] Фомин А.Г. Психолингвистическая концепция гендерной языковой личности: Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Барнаул, 2004. – 22 с.

[4] Ниязова Д.Бадиий матнда лисоний шахс типлари: Филол.фан. бўйича фалсафа док. дисс. – Қарши, 2020. – Б. 51.

[5] Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. докт. … дисс. – Тошкент, 2018. – 240 б.

[6] Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 155.

[7] Ҳакимов М. Кўрсатилган асар. – Б. 121- 134.

– Dada, bu yimadi?
– Tugma o‘g‘lim, tugma.
– Yaga yulduzi bor?
– Harbiylarning tugmasi shunaqa bo‘ladi.
– Harbiy yima bo‘ladi dada?
(S.Ahmad, “Yodgor”; 28-bet)

Keltirilgan matnda lisoniy shaxs nutqida fonetik o‘zgarishga uchragan so‘zlar qo‘llangan. Kichik yoshdagi bola tomonidan hosil qilingan ushbu nutq parchasida “n” tovushining talaffuzi orfoepik me’yorga muvofiq emas. Bunday holat muloqot jarayonida kommunikativ-pragmatik to‘siqni yuzaga keltirib, tinglovchi tomonidan nutqiy aktda aks etgan propozitsiyaning idrok etilishi qiyinlashtiradi. Yozuvchi bola lisoniy shaxsini shakllantirishda yozuvchi bolalar nutqiga xos bo‘lgan “n” tovushini ayta olmaslik hodisasidan unumli foydalangan. *yimadi, yima* tarzidagi bu qo‘llanish nutq egasining yoshi haqida tasavvur uyg‘otadi. Asosan, kichik yoshdagi bolalar nutqida kuzatiladigan bunday fonetik o‘zgarishlar kattalarda kulgi, bola nutqidan zavqlanish kabi his-tuyg‘ularni uyg‘otishi bilan lingvopersonologik ahamiyatga ega.

O‘zbek tilida yaratilgan asarlarda qahramonlar yosh xususiyatlariga ko‘ra tasnif qilinganda, yozuvchilar jamiyatda bolalar, yoshlar va qariyalar lisoniy shaxsini tasvirlashda o‘ziga xos verbal va noverbal nutq tuzish usullaridan foydalanishadi. Masalan, yoshlar nutqida jargon va argolar, vulgarizmlar, varvarizmlar, ekzotizm, okkozionalizmlar ko‘proq uchraydi. Ularning nutqi sintaktik qoliplarning qisqa ekanligi bilan ham ajralib turadir:

– E haromi tashlandiqlar, bu ko‘chadan yurmalaring, – dedi ulardan biri.

– O‘zlari boshlashdi, dedi Qamariddin undan najot kutib…

– Haromi, beadab, turqingni ko‘rsatma bu yerda, – dedi so‘kinib.

(T. Malik, 2019; 98)

Keltirilgan parchadagi vulgarizmlar personaj nutqida tinglovchiga nisbatan kamsitish ma’nosida qo‘llangan bo‘lib, uni kamsitish orqali o‘zining mavqeyini ham ko‘rsatib qo‘yishga uringan lisoniy shaxs shakllantirilgan.

Yozuvchilar jamiyatdagi yoshi ulug‘ kishilar, qariyalar lisoniy shaxsini shakllantirishda tajriba, malaka, hayotiy kuzatishlariga asoslanadi. Badiiy asarda yozuvchi qahramon nutqini shakllantirishda faqat leksik, sintaktik birliklarni qo‘llabgina qolmay, dialoglarda qahramonning holatiga izohlar ham beradi. Qo‘llanilgan leksik birliklar, sintaktik qurilmalar lisoniy shaxs haqidagi tasavvurimizni to‘liq bo‘lishiga ko‘maklashadi:

–Axir, jon bolam, qancha gina-kudurating bo‘lsa, bafurja gapirarsan. Bugun unaqa qilma. Uyga borsin. Undan keyin sen ham ko‘chingni olib kelasan. Mana ering… Er degan izvoshning oldingi g‘ildiragi bo‘lsa, xotin keyingi g‘ildiragi (S. Ahmad, 1976; 687-b)

O‘zbek millatiga mansub bo‘lgan qariyalarga og‘ir-bosiqlik, vazminlik xos bo‘lib, bu xususiyat ularning lisoniy shaxs sifatida gavdalanishida ham kuzatiladi. Uzoq yillik tajriba, zaruriy gaplarni topib o‘rnida ishlatish, vaziyatga munosib baho berish, voqea hodisaga to‘g‘ri izoh bera olish kabi holatlarni ko‘rish mumkin. Quyidagi misolda yuqorida sanalgan fazilatlarga ega lisoniy shaxs nutqi shakllantirilgan:

— Muhabbat degan narsa juda oz kishilarga nasib bo‘ladirg‘an bir durri bebahodir, — dedi Ziyo aka. — Qadrdoningiz Yusufbek hojining o‘g‘li Otabek bir necha kunlardan buyon pinhoniy bir dard bilan og‘rir edi Ko‘rinishda uning quli, ammo haqiqatda Otabekning ma’naviy padari bo‘lg‘an Hasanali ota uning maxfiy dardining asli omilini izlaydir, bekning o‘zi bo‘lsa o‘z holi to‘g‘risida hech narsa sezdirmay dardin yashiradir. Shundog‘ qilib xo‘jasiga ixloslik Hasanalining tajribalik kuzatishidan bekning maxfiy dardi uzoqqa qocholmay natijada sir ochiladir... Shari’at ishiga sharm yo‘q, deydirlar, o‘rtoq, agarchi siz bilan menga bir muncha og‘irroq bo‘lsa ham yana so‘zlab o‘tishga hojat bor: kunlardan bir kun taqdir shamoli yuradir-da bir kimsaning iffat pardasi ostida o‘lturgan qizining yuzidagi niqobini ko‘tarib ikkinchi tomondan bizning Otabekni shu afifaga ro‘baro‘ qiladir. Shu daqiqadan boshlab bekda u afifaga qarshi bir ishq, ham chin bir ishq tug‘uladir. (Qodiriy, 2004;42)

Ma’lumki, har bir inson dunyoni o‘zining ongi-shuuri bilan sezadi. Unga munosabatini bildirar ekan, imkoniyat sifatida mavjud bo‘lgan tildan o‘z imkoniyati, qobiliyati darajasida foydalanadi. Erkak va ayol jinsiga mansub insonning dunyoni anglashi, uni tilda aks ettirishi o‘ziga xos bo‘lib, tilshunoslikda gender degan tushunchaning yuzaga kelishiga sabab bo‘lgan. Tilshunoslikda lisoniy shaxs haqida olib borilgan tadqiqotlarda bu masala ham e’tibordan chetda qolmagan.

A.G.Fomin tomonidan gender belgisiga ko‘ra farqlanuvchi lisoniy shaxslarning nutqi o‘rganilgan. Tadqiqotchi A.G.Fomin tilshunoslikda gender degan tushuncha asosan ijtimoiy hayotda ayol shaxsiga qaratilishini hamda ular nutqidagi o‘ziga xoslik nazarda tutilishini ta’kidlaydi. Gender diskurs sifatida muloqot jarayonida ayol va erkakka xos bo‘lgan xususiyatlarning tilda va nutqda aks etishi deb ko‘rsatadi[1]. Fomin jinsga ko‘ra ajratilgan rolning muloqot jarayonidagi o‘ziga xos uslubini belgilab beradi. Jamiyatda erkak va ayol ma’lum ijtimoiy rol o‘ynaydi. Bu o‘z-o‘zidan o‘ziga xos muloqot xarakterini yuzaga kelishida sa-

[1] Фомин А.Г. Психолингвистическая концепция гендерной языковой личности: Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Барнаул, 2004. – С.14.

bab bo‘ladi. Qoliplashgan shaklga kelgan bunday muloqot nutq jarayonida verbal yoki noverbal vositalar yordamida namoyon bo‘ladi[1]. Lisoniy shaxsni tilshunoslikda gender belgilari asosida tadqiq qilish ayol va erkak yozuvchilar asarlari tilidagi o‘ziga xosliklarni baholashda ham muhim ahamiyatga egadir.

Jamiyatda erkak va ayollarning nutqlari ko‘pgina jihatlari bilan farqlanadi. Bu farqlanishlarni o‘zbek tilida yaratilgan asarlarda ham yaqqol kuzatish mukin. Xususan, o‘zbek tilida muloqot jarayonida er va xotinning bir-biriga murojaat etishlari o‘ziga xos bo‘lib, bunday vaziyatlarda xotin eriga dadasi, xo‘jayin, otasi yoki farzandining ismi bilan murojaat qilinadi.

O‘zbek tilida murojaat birliklarida yoshi katta ayolning farzandi tengi bolaga bolajonim, qo‘zichog‘im deb murojaat qilishi ko‘p kuzatiladi. Bu o‘zbeklarning asrlar davomida shakllangan urf-odatlari, o‘zgalarnikiga o‘xshamaydigan qadriyatlari, tarbiyaning natijasidir.

– Voy, dadasi, bularni qarang shirinligini, hali to‘ylari ham bo‘lmagan ekan, biz bo‘lsak sizlarni kelin-kuyov debo‘ylabmiz, voy, qanday yaxshi!... – ayol negadir o‘z-o‘zidan jo‘shib ketdi, turib Nodir va Nilufarning manglayidan o‘pdi. – Ilohim, baxtli bo‘linglar!.. Qarang, dadasi, biram bir-birlariga mos!... (U. Hamdam,“Sabo va Samandar”; 21-bet)

Ushbu parchadan esa o‘zbek ayollariga xos bo‘lgan xususiyatlardan zavqlanish, havas, onalarcha soddalik kabi xususiyatlarga ega lisoniy shaxsni shakllantirishda *Voy, dadasi, shirinligini, voy, qanday yaxshi!...* kabi emotsional holatni ifodalovchi birliklardan foydalangan. Ayol lisoniy shaxshini erkak lisoniy shaxsidan ajratib turadigan muhim jihatlardan biri ham ularning nutqida emotsional leksikaning faolligidadir.

Lisoniy shaxs deganda insonning yaratilishi va idrokini belgilaydigan qobiliyatlari va xususiyatlari to‘plami tushuniladi. Ayol va erkak jinsiga mansub shaxslarning lisoniy shaxs sifatida shakllanishida ular nutqiga xos bo‘lgan strukturaviy va lingvistik murakkablik darajasining xilma-xilligi, voqelikni aks ettirishning chuqurligi va aniqligi, muayyan maqsadli yo‘nalishning belgilab berilganligi asosiy omil sifatida xizmat qiladi[2].

Erkaklar nutqida erkaklarga xos qat’iylik, kuchlilik xos bo‘lib, lisoniy shaxsni ifodalashda shu belgilar ham namoyon bo‘ladi. Kuchli, irodali shaxslar ko‘pincha suhbatdoshning maqomidan qat’i nazar, adresat harakatini belgilaydigan qoliplashgan iboralardan foydalanishga murojaat qilishadi. Erkak lisoniy shaxsiga xos bo‘lgan xususiyatlar erkak kishiga xos bo‘lgan qat’iylik, kuchlililk, o‘z nuqtayi nazariga ega bo‘lishlikda ko‘rinadi.

O‘zbek tilidagi matnlar qahramonlarining nutqini tahlil qilar ekanmiz, yozuvchilar jamiyatdagi o‘zbek millatiga mansub turli yoshga mansub lisoniy shaxslarni mohirlik bilan yaratganining guvohi bo‘lamiz. O‘zbek tilida yaratilgan asarlarda bolalar nutqini tasnif qilishda til sistemasining to‘liq o‘zlashtirilmagani, o‘ziga xos intonatsiyalar, okkozional so‘zlarning ko‘p qo‘llanish holatlarini kuzatish mumkin. Qariyalar nutqida esa turli fiziologik va psixologik o‘zgarishlar natijasida diksiyaning buzilishi; ruscha-internatsional so‘zlardan qochish va arabiy so‘zlarni ko‘proq qo‘llashga moyillik; hayoti davomida o‘rganganlari, boshidan o‘tkazganlari natijasida yuzaga kelgan tajribalarini o‘rtoqlashish; maslahatli leksikaga moyillik kabi holatlar kuzatiladi.

Gender bo‘yicha kuzatilgan tajribalar shuni ko‘rsatadiki, erkaklar nutqida konkret faktni gapiradilar, emotsiyalarini sir tutadilar. Sodda gaplardan ko‘ra uzun, murakkab qurilmali qo‘shma gaplar ko‘proq kuzatilar ekan. Erkaklar nutqida asosan undoshlarning talaffuziga e’tibor qaratiladi. Pauzalar ko‘p bo‘ladi. Nutq tempi sekinroq bo‘ladi va mantiqiy urg‘u ko‘proq kuzatiladi. Ayollar nutqida unli va undosh tovushlar erkaklarga qaraganda alohida talaffuz qilinadi. Nutq jarayonida ayol va erkaklarning gap qurilishida ham farqlarni sezish mumkin. Erkaklar nutqida darak va so‘roq gaplar ko‘proq qo‘llanilsa, ayollar nutqida esa ko‘proq so‘roq va undov gaplar ko‘proq uchraydi. Inversiya, to‘liq bo‘lmagan elliptik gaplar ko‘p kuzatiladi.

Og‘zaki nutqda kishilar turli turg‘unlashgan birliklardan ham foydalanadilar. O‘zbek tilida yillar davomida shakllangan, qo‘llanilib kelayotgan turg‘un iboralar duolar, qarg‘ishlar, tilak bildiruvchi yoki so‘kishni anglatuvchi turli birliklar erkak va ayollarda farq qilishi bilan birga nutq egalarining jinsiga ham ishora qiladi.

Badiiy asar tilining ta’sirchanligini ta’minlashda, uning o‘qishli bo‘lishiga erishilishida yozuvchining qahramonining lisoniy shaxs sifatidagi imkoniyatlarini to‘la aks ettira olishi ham muhim sanaladi. Umuman, badiiy asarda lisoniy shaxsni yosh va jins xususiyatlariga ko‘ra yoki boshqa omillarga ko‘ra gavdalantirish, ularga xos bo‘lgan xususiyatlarni ochib berishda yozuvchining tildan foydalanish mahorati, so‘z qo‘llash qobiliyati, o‘ziga xos uslubi, hayotni ziyrak kuzatuvchanligi qo‘l keladi. Bu esa badiiy asarlardagi xilma-xil lisoniy shaxslarning namoyon bo‘lishida yaqqol ko‘rinadi.

[1] Фомин А.Г. Психолингвистическая концепция гендерной языковой личности: Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Барнаул, 2004. – С.16.

[2] Фомин А.Г. Психолингвистическая концепция гендерной языковой личности: Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Барнаул, 2004. – С.21.

Resume: Linguopersonology is the science of linguistic personality. Linguistic individuals differ from each other in profession, lifestyle, religion, social status, gender and age, and these aspects are directly manifested in the speech process. Linguistic personality is a multifaceted concept, and the factors that create it are also diverse. We divide the factors that determine linguistic personality into linguistic and extralinguistic factors. This article examines extralinguistic factors, including age and gender, in the formation of a linguistic personality.

Резюме: Лингвоперсонология – это наука о языковой личности. Языковой личности отличаются друг от друга по профессии, образу жизни, вероисповеданию, социальному статусу, полу и возрасту, и эти аспекты непосредственно проявляются в речевом процессе. Языковая личность – понятие многогранное, и факторы, ее создающие, также многообразны. Факторы, определяющие языковую личность, мы разделяем на лингвистические и экстралингвистические факторы. В данной статье рассматриваются экстралингвистические факторы, в том числе возрастные и половые, в формировании языковой личности.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

JARGONLAR PRESUPPOZITSIYASI

Rahimova Zebiniso Shomansur qizi,
Termiz davlat universiteti tayanch doktoranti

Hozirgi tilshunoslik yuzasidan antroposentrik paradigmaning tarkibida o'rganiluvchi pragmalingvistikaning muhim birliklaridan sanalgan presuppozitsiyani barcha til birliklari nuqtayi nazaridan o'rganishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Xususan, o'zbek tilshunosligida presuppozitsiyaning barcha turi atroflicha yoritilmagan bo'lib, ular o'rganilish bosqichida.

Tilshunoslikdagi presuppozitsiya hodisasi lingvistika va mantiqiy semantika orasidagi ko'prik hisoblanadi. Presuppozitsiya nutq vaziyati orqali ma'lum qilingan gapning to'g'ri tushunib yetilishi va anglanishi uchun eng zarur tarkibiy qismdir. Negaki, presuppozitsiya nutq so'zlanayotgan vaziyat, so'zlovchi va so'zlovchining maqsadi, shuningdek tinglovchiga oldindan ma'lum bo'lgan va ma'lum bo'lmagan bilimlar kabi elementlarni o'z ichiga oluvchi hodisadir. Shuning uchun so'zlanayotgan gap tinglovchi tomonidan presuppozitsion jihatdan to'g'ri tahlil etilmasa, to'g'ri baholanmaydi va so'zlovchining maqsadi ro'yobga chiqmaydi. Presuppozitsiya so'zlovchining nutq jarayonidagi nutqiy tejamkorlikka intilishi, til birliklarining nutqda sintaktik strukturaga ikkilamchi ma'lumot berish imkoniyatiga ega ekanligi bilan xarakterlanadi. Presuppozitsiya atamasi tilimizdagi tag ma'no, ya'ni yuzada berilmagan, lekin tinglovchi tushunishi, anglashi ko'zlangan maqsad va ifoda bilan uzviy bog'liq tushunchadir. Shuning uchun tilshunoslikda presuppozitsiya termini ostida muayyan jumla tarkibida bevosita ifodalangan yashirin holda aks etgan ma'no tushuniladi.

Presuppozitsiya hodisasini o'rganishda tilshunoslarning asosiy e'tiborini tortgan jihat presuppozitsiyani vujudga keltiruvchi nutq vositalari bo'ldi. Chunki, presuppozitsiya hodisasi til birliklarining lingvopragmatik tadqiqi doirasida gap mazmuniy tuzilishidagi o'ziga xosliklarni o'rganishda alohida o'rin egallaydi. Mavjud barcha tillarda lingvistik presuppozitsiyaga ishora qiluvchi turli signallar bor. Tilshunos U.Rahimov presuppozitsiya hodisasining o'zbek tilida mavjud signallarini leksik vositalar, morfologik vositalar va sintaktik vositalarga bo'lib tasniflaydi[1].

Durdona Lutfullayeva o'zbek tilida mavjud tasdiq gapda inkor presuppozitsiya hodisasiga ishora qiluvchi leksik-grammatik vositalar sifatida ko'makchi, yuklama va ayrim bog'lovchilarni kiritadi, shuningdek, sintaktik vositalar sirasiga istakni ifodalovchi uch tur-

[1] Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Фил.фанлари номзоди дисс. – Андижон, 1994. – Б. 20.

dagi sintaktik qoliplarni kiritadi. Har bir lisoniy vosita o‘ziga xos shakliy tuzilishdagi gaplarni hosil qilishda ishtirok etsa-da, yashirin tarzda qo‘shimcha axborotni ifodalashi jihatidan umumiylikka ega bo‘ladi. Bu lisoniy vositalarga xos yana bir umumiy belgi shundaki, ular asosiy hollarda gap mazmuniga zid bo‘lgan yashirin axborotni yuzaga keltirib, zidlik munosabatini hosil qiladi[1].

Jargonlar presuppozitsiyasini tadqiq etish gap mazmuniy sintaksisini o‘rganishdagi muhim qadam hisoblanadi. Ikkilamchi nomlanishga ega bo‘lgan jargonlar presuppozitsiyasi ancha murakkab hodisa bo‘lib, bunda nutq vaziyati, muloqot ishtirokchilari, muloqotdan ko‘zlangan maqsad asosiy o‘rinni egallaydi.

Jargonlarning hosil bo‘lishidan maqsad turlicha bo‘lganligi uchun ularni anglashdagi holatlar ham turlicha bo‘ladi. Bu jarayonda so‘zlovchi asosiy fikr ifodachisi bo‘lib, presuppozitsiya hodisasi yuzaga kelishi uchun tinglovchining qaysi ijtimoiy guruh vakili ekanligi muhimdir. Ba’zan so‘zlovchi ham jargondan foydalanuvchi guruh vakili bo‘lmasligi mumkin.

Yonimdan qushcha o‘tib ketyapti yoki *G‘isht, menga suv keltir* gaplarida nutq so‘zlovchi o‘z maqsadini tinglovchiga yetkazish uchun jargonlardan foydalanyapti. Aytilganidek, presuppozitsion holatning yuzaga chiqishi uchun tinglovchi ham ifodalangan fikrni aytilganidek anglashi kerak. *Yonimdan qushcha o‘tib ketyapti* gapida so‘zlovchining yonidan rostdan qush o‘tib ketayotgan ekanligini aytmoqchi emas, u qushcha so‘zi orqali chiroyli, nozik qizni ifodalamoqchi. *G‘isht, menga suv keltir* gapida esa so‘zlovchi chindan g‘ishtga suv keltirishni buyurmayapti. U g‘isht so‘zi orqali xunuk, badbashara kishiga murojaat qilmoqda. Bu o‘rinlarda so‘zlovchi yoshlar ijtimoiy guruhiga mansub bo‘lib, o‘z nutqi mobaynida yoshlar jargonidan foydalanmoqda. Yuqorida keltirilganidek, tinglovchi ham yoshlar ijtimoiy guruhiga mansub bo‘lsagina, bu gaplarni o‘z o‘rnida tushunadi va presuppozitsiya jarayoni normal holatda kechadi. Agarda tinglovchi yoshlar ijtimoiy guruhidan bo‘lmasa va jargonlarning qanday mazmunda qo‘llanayotganini bilmasa, so‘zlovchining fikrini to‘g‘ri anglamaydi va presuppozitsiya hodisasi yuz bermaydi.

Novchani keltir va *Oqidan oling*. Yuqorida keltirilgan gaplar ichuvchilar nutqidan olingan bo‘lib, so‘zlovchi novcha va oqi jargonlaridan unumli foydalangan. Novcha va oqi so‘zlari sinonim so‘z sifatida qaralmoqda. Bu o‘rinda ikki so‘z ham aroq ma’nosini anglatadi. Agar tinglovchi ushbu guruhga mansub bo‘lmasa, so‘zlarni o‘z ma’nosida tushunadi va so‘zlovchining niyati ro‘yobga chiqmaydi. Presuppozitsiya yuzaga kelmaydi. Tinglovchi ushbu guruhga mansub shaxs bo‘lganda esa umuman boshqa holat yuzaga keladi, ya’ni so‘zlovchining ko‘zlagan maqsadi amalga oshadi. Sherigi u istagan harakatni amalga oshiradi.

Mahbusni yaxshilab mehmon qilinglar va *Mahbus parovoz sifatida qo‘lga olinsin.* Yuqoridagi gaplar huquq-tartibot organlari xodimi nutqidan olingan bo‘lib, so‘zlovchi o‘z ijtimoiy guruhiga mansub shaxsga murojaat qilayapti. Bu o‘rinda presuppozitsiya hodisasi sodir bo‘lmoqda. *Mehmon qilmoq* va *parovoz* so‘zlari jargon bo‘lib, qamamoq va bosh jinoyatchi ma’nosida qo‘llanmoqda. Agarda suhbat jarayonida boshqa tinglovchilar ham mavjud bo‘lsa va ular bu ijtimoiy guruh doirasiga mansub bo‘lmasa, ular bu jargonlarni o‘z ma’nosida tushunadi. Bu o‘rinda jargondan foydalanishdan maqsad faol ishlasa-da, presuppozitsiya hodisasi yuzaga chiqmaydi.

Shuningdek, savdogar va olib-sotarlar nutqida qo‘llanuvchi jargonlar ham mavjud. Bilamizki, ko‘pchilik jargonlar o‘zbek tili leksikasiga oid so‘zlarni boshqacha ma’noda qo‘llash tufayli yuzaga keladi. Shu tufayli so‘zlovchining nutqida jargonlar uchrasa va tinglovchi jargon birlikni o‘z ma’nosida tushunsa ham qandaydir mazmun anglashiladi. Biroq bu holda ham presuppozitsiya hodisasi sodir bo‘lmaydi. Presuppozitsiya sodir bo‘lishi uchun so‘zlovchi anglatmoqchi bo‘lgan mazmunni tinglovchi ham o‘z ma’nosida tushunishi kerak. Xususan, *Qaychidan ehtiyot bo‘ling* gapini savdogarlar ijtimoiy guruhiga mansub so‘zlovchi ishlatganda tinglovchi uchun ham revizordan yoki tekshiruvchidan ehtiyot bo‘ling mazmunidagi gap anglashilsagina to‘liq presuppozitsiya sodir bo‘ladi. Buning uchun tinglovchi ham ayni shu ijtimoiy guruhga mansub shaxs bo‘lishi lozim. Yoki savdogar ijtimoiy guruhiga mansub so‘zlovchining *Mo‘ysafiddan kechga to‘rt o‘rov qoldiring* gapi orqali tinglovchi tomonidan mo‘ysafid so‘zi orqali aroq ma’nosi, butun gap orqali esa aroqdan to‘rt o‘rov qoldirish lozimligi mazmuni anglashilsa, presuppozitsiya hodisasi sodir bo‘ladi.

Do‘stim, dumlaringdan qutildingmi? va *Kursdoshlar quyonning rasmini chizamizmi?* So‘zlovchi shaxs talaba bo‘lib, o‘z nutqi davomida talabalar tilida faol qo‘llaniluvchi so‘z va iboradan foydalanmoqda. Demak, bu jarayonning asosiy tinglovchilari ham talaba bo‘lsagina, presuppozitsiya hodisasi sodir bo‘ladi va so‘zlovchining maqsadini barcha birdek tushunadi. Tinglovchilar talaba bo‘lmay, boshqa ijtimoiy guruh vakillari, xususan, shifokor yoki o‘qituvchilar bo‘lganda ular ishlatilayotgan jargonlarning tag ma’nosiga bormasligi va presuppozitsiya hodisasi yuz bermasligi mumkin. Jargonlarning lingvistik xususiyatlarida keltirilganidek, *dum* so‘zi omonim jargon bo‘lib, u

[1] Yusupjanov Elyorbek Usmonali o‘g‘li. Lingvistik presuppozitsiya pragmatik muammo sifatida yuzaga kelishi va o‘rganilishi. // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume 1 | ISSUE 9 ISSN 2181-1784. Scientific Journal Impact Factor SJIF 2021: 5.423. –B. 260-266.

yana o‘g‘ri va bezorilar nutqida ham faol qo‘llaniladi. Bu o‘rinda presuppozitsiya hodisasini o‘rganishda U.Rahimov lingvistik presuppozitsiyaning o‘zbek tilidagi tashqi signallarini keltirganini eslab o‘tamiz. Ular orasida leksik vositalar ham bor edi. Leksik vositalar omonim, sinonim, antonimlardan tashkil topishini tilshunos olim aytib o‘tgan. Demak, *dum* jargoni omonimlikni hosil qilar ekan, uning presuppozitsiyasiga ham qiziqib ko‘rish lozim. *Do‘stim, dumlaringdan qutildingmi?* gapining tinglovchilari o‘g‘ri va bezorilar bo‘lganda presuppozitsiya hodisasi qanday namoyon bo‘ladi? Aytilganidek, o‘g‘ri va bezorilar nutqida dum jargoni poyloqchi ma’nosini beradi. *Do‘stim, dumlaringdan qutildingmi?* gapidan o‘g‘ri yoki bezorining orqasidagi poyloqchilardan qutilgan yoki yo‘qligi ma’nosini beruvchi gap hosil bo‘ladi. Agar so‘zlovchi hali ham talaba ekanligini hisobga olsak, presuppozitsiya hodisasi sodir bo‘lmay qolaveradi.

Mehmon qilmoq omonim jargoni huquq-tartibot organlari nutqida qamoqqa olmoq ma’nosida va bezorilar nutqida do‘pposlamoq, ta’zirini berib qo‘ymoq ma’nosini ifodalaydi. *Ayblanuvchini mehmon qilinglar* gapi huquq-tartibot organlari vakili tomonidan aytilganda bezorilar ijtimoiy guruhiga tegishli tinglovchi ayblanuvchini do‘pposlay boshlashi mumkin yoki *quloqni mehmon qilinglar* gapini bezorilar tilidan aytilsa va huquq-tartibot organlari vakili tomonidan tinglansa, gap yetkazuvchini qamoqqa olish mazmunidagi gapni tushunadi. Ikki holatda ham presuppozitsiya hodisasi kuzatilmaydi. Demak, omonim jargonlardan foydalanilgan holatlarda, agarda so‘zlovchi va tinglovchi bir ijtimoiy guruh vakili bo‘lmasa presuppozitsiya hodisasi sodir bo‘lmaydi. Bu omonimlar jargonlar uchun chiqarilgan xulosa. Omonimlikning presuppozitsiya hodisasidagi o‘rnini aniqlash lingvistik tadqiqqa muhtoj (boshqa til birliklari doirasida ham).

Sinonim jargonlarning presuppozitsiyasini ko‘rib o‘tamiz. *Yakan, bashli, loy, qurug‘i* kabi jargonlarni tahlilga tortamiz. *Yakan* va *loy* sinonim jargonlari otarchilar nutqida qo‘llanuvchi, pul ma’nosini ifodalovchi so‘zlardir. *Bashli* jargoni mahbuslar nutqida pul ma’nosini ifodalaydi. *Qurug‘i* jargoni poraxo‘rlar, olib-sotarlar nutqida pul ma’nosini anglatadi. Agar so‘zlovchi otarchi bo‘lib, *yakan* va *loy* jargonlaridan foydalansa, bunda faqatgina tinglovchilari otarchilar bo‘lgan holatda presuppozitsiya har ikki jargon almashinib qo‘llanganda ham yuzaga kelaveradi. Biroq otarchi *bashli* yoki *qurug‘i* jargonlaridan foydalanmaydi. Bu jargonlar ishtirokidagi muloqot jarayonida otarchi tinglovchi sifatida qatnashganda ham presuppozitsiya hodisasi yuzaga chiqmaydi. Har to‘rt jargon bir o‘rinda qo‘llanganda ham to‘liq presuppozitsiya sodir bo‘lmaydi. Bir ijtimoiy guruh doirasida qo‘llanuvchi sinonim jargonlar ishtirok etgan holatdagina lingvistik presuppozitsiya to‘liq namoyon bo‘ladi.

Oqi, novcha, mo‘ysafid, bo‘yni uzun kabi jargonlarni tahlilga tortamiz. Bu sinonim jargonlar bir ijtimoiy guruh doirasida sinonimlik qiladi. Yuqoridagi jargonlar ichuvchi shaxslar nutqida faol qo‘llaniladi va aroq ma’nosini ifodalaydi. Bu jargonlar ichidan *oqi* jargoni ijtimoiy guruh chegarasidan chiqib, umumomma nutqiga ham ko‘chgan. Qolgan jargonlar o‘z o‘rnida. *Oqi* jargon qo‘llangan har qanday holatda ham (so‘zlovchi ijtimoiy guruh a’zosi, tinglovchi ijtimoiy guruh a’zosi; so‘zlovchi ijtimoiy guruh a’zosi, tinglovchi boshqa ijtimoiy guruhga mansub; so‘zlovchi boshqa ijtimoiy guruhga mansub, tinglovchi o‘sha ijtimoiy guruh a’zosi; so‘zlovchi boshqa ijtimoiy guruhga mansub, tinglovchi boshqa ijtimoiy guruhga mansub) presuppozitsiya hodisasi sodir bo‘ladi. *Bo‘yni uzun, novcha, mo‘ysafid,* kabi sinonim jargonlar nutq jarayonida faqat bir holatda ya’ni, so‘zlovchi ham, tinglovchi ham bitta ijtimoiy guruhdan bo‘lsa va bu guruh ichuvchilardan iborat guruh bo‘lgan holatdagina presuppozitsiya hodisasi yuzaga keladi. Boshqa turli ijtimoiy guruhlar nutqida bu hodisa sodir bo‘lmaydi.

Tahlillardan xulosa qiladigan bo‘lsak, sinonim jargonlar ishtirok etgan nutq jarayonida har doim ham lingvistik presuppozitsiya hodisasi sodir bo‘lmaydi, bu jarayonda so‘zlovchi va tinglovchining qay ijtimoiy guruhga mansubligi; bir yoki turli xil ijtimoiy guruh vakili ekanligi, shuningdek, jargonlargagina xos bo‘lgan xususiyatlar asosiy omil bo‘lib xizmat qilaveradi.

Jargonlar qatorida antonim jargonlarni kuzatmaganimiz uchun ular ustida tahlil amalga oshira olmadik.

Lingvistik presuppozitsiyani hosil qiluvchi morfologik vositalar qatorida so‘z turkumlaridagi kategoriyalar, ko‘makchi va yuklamalar sanaladi. Biroq jargonlar tarkibida qo‘shimcha yoki nomustaqil so‘z turkumiga tegishli birliklar uchramagani tufayli jargonlarda morfologik vositalar presuppozitsiyasi tahlilga tortilmadi.

Jargonlar doimiy ijtimoiy hayotning ajralmas qismi bo‘lganligi uchun ba’zan bu birliklar ijtimoiy guruh doirasidan chiqib umumomma nutqida ham qo‘llanila boshlaydi. Bunday holatlarda presuppozitsiya hodisasi qanday namoyon bo‘ladi? *Ko‘k, ko‘kat (AQSh dollari), shapka (ustama narx)* va shu kabi jargonlar boshqa ijtimoiy guruhlar muloqot nutqida ham qo‘llaniladi. Biroq so‘zlar jargonlik xususiyatini yo‘qotmaydi. Bu jarayonda ikki xil vaziyat sodir bo‘ladi. Birinchi vaziyatda so‘zlovchi yuqoridagi jargonlardan foydalanuvchi guruh a’zosi bo‘ladi, tinglovchilar esa boshqa ijtimoiy guruh vakili bo‘ladi. Bunda yuqorida aytilganidek, tinglovchilar ham *ko‘k, ko‘kat, shapka* jargonlarini jargon holida tushunadi va presuppozitsiya hodisasi sodir bo‘ladi. Ikkinchi vaziyatda so‘zlovchi boshqa ijtimoiy guruh a’zosi bo‘ladi, tinglovchilar ham boshqa ijtimoiy guruh a’zosi bo‘ladi. So‘zlovchi

va tinglovchi uchun ham yuqoridagi jargonlar o‘z ma’nosida anglaniladi va presuppozitsiya hodisasi sodir bo‘ladi. Bundan shu xulosaga kelishimiz mumkinki, umumomma nutqiga ko‘chgan jargonlarda presuppozitsiya hodisasi turli vaziyatlarda ham namoyon bo‘la oladi.

Jargonlarning lingvistik xususiyatlarida aytib o‘tilganidek, boshqa tillarda kirib kelgan jargonlar ham mavjud. Bu holatda presuppozitsiya hodisasi qanday namoyon bo‘ladi? Ba’zi boshqa tillardan kirib kelgan jargonlar tahlilida bu hodisani ko‘rib o‘tamiz. Tahlil uchun *strelka, pili surot* jargonlarini olamiz. *Strelka* jargoni rus tilidan kirib kelgan bo‘lib, asl tarjimasi ko‘rsatgich bo‘lsa-da, yoshlar jargoni sifatida uchrashuv ma’nosini ifodalash uchun qo‘llaniladi. *Pili surot* birikmasi arab-fors tilidan olingan bo‘lib, surot ko‘prigi tarjimasini beradi. Jargon sifatida talabalar jargon bo‘lib, imtihon ma’nosini bildirish uchun foydalaniladi. Agarda, *strelkani qachonga urdingiz?* gapi yoshlar tilidan aytilsa va rus tilida so‘zlashuvchi tinglovchi mavjud bo‘lsa, tinglovchi o‘zbek tilini tushunmaydi va faqat *strelka* so‘zini o‘z ma’nosida tushunadi, ko‘rsatgichga oid nimadir so‘ralayotganini anglaydi xolos. Bu jarayonda presuppozitsiya hodisasi yuzaga kelmaydi. O‘zbek va rus tilini biluvchi tinglovchilarda ham ko‘rsatgich mazmunli gapni anglaydi. Yoshlar ijtimoiy guruhiga mansub bo‘lmagan o‘zbek tili vakili *strelka* so‘zining na ruscha tarjimasini biladi va na jargon sifatidagi ma’nosini, bu holatda ham presuppozitsiya hodisasi sodir bo‘lmaydi.

Shuningdek, *do‘stim, yaxshilab tayyorlan, ertaga pili surot bor* gapi talaba ijtimoiy guruhi vakili so‘zlasa va fors-arab tili va o‘zbek tilini birdek tushunadigan kishi tinglasa, u ertaga pili surotdan o‘tish kerak degan mazmunli gapni tushunadi. Agar, faqat fors-arab tili foydalanuvchisi bo‘lsa, surot ko‘prigi haqida gap boryapti deb tushunadi. Demak, o‘zga tillardan o‘zlashgan so‘zlardan jargon sifatida foydalanilganda o‘sha til foydalanuvchisi uchun ham, ikki til (jargon uchun olingan so‘z tili va jargon sifatida foydalanayotgan til) foydalanuvchisi uchun ham, faqat jargon sifatida foydalanilayotgan til egasi uchun ham (agar ijtimoiy guruh vakili bo‘lmasa) presuppozitsiya hodisasi hosil bo‘lmaydi.

Jonli nutq vaziyati bilan bog‘liq holda reallashuvchi hodisa presuppozitsiya hodisasi sanaladi. Presuppozitsiyaning to‘g‘ri anglanishida – nutq vaziyati, adresant va adresatga oldindan ma’lum bo‘lgan umumiy bilimlar, kontekst hamda til egalarining lisoniy qobiliyati kabi omillar asosiy rol o‘ynaydi. Bu jarayonda nolisoniy omillar gap strukturasida aniq-ravshan aks etmagan, yashirin tarzda ifodalanuvchi presuppozitsiyaning oson tushunilishida yordam beradi.

Resume: The article covers the presupposition direction of linguo-pragmatics, which is a current direction of linguistics. The emergence of jargons, which are considered sociolinguistic units, in the phenomenon of presupposition is considered. In the process, the role of synonymous, homonymous slangs in the presupposition phenomenon was studied and conclusions were noted.

Резюме: В статье рассматривается пресуппозиционное направление лингвопрагматики, которое является современным направлением языкознания. Рассмотрено возникновение жаргонов, которые считаются социолингвистическими единицами, в феномене пресуппозиции. В процессе была изучена роль синонимичных, омонимичных сленгов в феномене пресуппозиции и сделаны выводы.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ZULFIYA SHE'RIYATIDA AYRIM FRAZEMALARNIING QO'LLANISH XUSUSIYATLARI HAQIDA

To'ychiyeva Zulayho Hamraqulovna,
Guliston davlat universiteti
o'zbek tilshunosligi kafedrasi o'qituvchisi

Ma'lumki, so'z badiiy adabiyotning eng muhim tasvirlash qurolidir. Har bir qalam sohibi ana shu qurol vositasi bilan obraz yaratadi. Obrazning real va haqqoniy bo'lishi yozuvchining xalqning tuganmas xazinasi bo'lgan so'z boyligidan qanday foydalanishiga ham bog'liqdir. Har bir yozuvchi o'z xalqining so'z boyligini qancha chuqur va mukammal egallasa, u yaratgan asar badiiy jihatdan shuncha nafis, bo'yoqdor va rang-barang bo'ladi. Shuning uchun ham ijodkor o'zi yaratayotgan obrazning individual xususiyatlarini ochib berishda, ularning to'laqonli bo'lishini ta'minlashda tildagi ana shu xilma-xil qiymatlarga ega bo'lgan so'zlardan unumli foydalanadi. Barcha jonli tillarda bo'lganidek, o'zbek adabiy tilining takomillashuvi va rivojlanishida, yozma va og'zaki nutqning silliqlashuvida badiiy adabiyot alohida o'rin tutadi. Bunda badiiy nutq vositalarining barchasi tasvirda o'ziga xos o'rin egallaydi. Shulardan biri frazemalarning qo'llanishidir.

Frazeologik birliklar oddiy so'zlardan farqli holda obyektiv reallikdagi muayyan voqea-hodisani nomlash uchun emas, balki unga nisbatan modal munosabatni ifodalash maqsadida yuzaga keladi. Tildagi frazeologik birliklarning asosiy qismi ma'no jihatidan insonga qaratilgan: ular kishining biror fizik, ruhiy, axloqiy, intellektual xususiyatini, hatti - harakatini baholaydi.

Binobarin, frazeologik birliklar badiiy asarda asosan uslubiy vazifa bajarishga xizmat qiladi. Badiiy asarlarda iboralarning qo'llanish maqsadi xususida tadqiqotchilarimiz tomonidan turli fikrlar bildirilgan bo'lib, ularning fikrlari bir-birini to'ldirib boradi. Tildagi obrazlilikni ifodalovchi vositalar ichida frazeolofizmlar alohida o'rin tutadi. Chunki ular kesatiq, nafrat, jirkanish, so'kish, qarg'ish kabi salbiy, erkalash, hazil, rag'batlantirish kabi ijobiy qo'shimcha ma'no nozikliklarini ifoda etuvchi obrazli til birliklaridir.

Frazeologik birlik ifodalaydigan ma'no ko'pincha so'zga teng bo'lsada, ayrim jihatlari bilan birgina so'z beradigan lug'aviy ma'nodan farq qiladi. Frazeologik ma'no so'zga qaraganda so'zlovchining fikrini kuchli darajada ifodalaydi, chunki unda obrazlilik, ta'sirchanlik belgisi mavjud bo'ladi. Shoir va yozuvchilarning asarlarida uslubiy bo'yoqdorlik turli xil usullar yordamida ifodalanadi. Kishining ehtirosini ifodalashda leksik birliklar, ayniqsa frazeologizmlar, maqollar va o'xshatishlar muhim o'rin tutadi.

Frazeologik birlik sifatida ibora atamasi ham ishlatiladi. Ikki va undan ortiq so'zdsn tarkib topgan va yaxlit bir ko'chma ma'no ifodalaydigan, ta'sirchanlikka ega bo'lgan til birligiga ibora (frazeologik birlik) deyiladi: qo'y og'zidan cho'p olmagan (yuvosh), kapalagi uchib ketdi (cho'chidi), og'zing qani desa qulog'ini ko'rsatadi (lapashang) va h.

Iboralar ahamiyati va qo'llanishi jihatidan, odatda, so'zga teng keladi. Iboralar ko'proq so'zlashuv nutqida va badiiy asarlarda ishlatiladi. Ulardan unumli foydalanish nutqning ta'sirchanligini oshiradi. Til fanining iboralarni o'rganadigan bo'limi frazeologiya deb ataladi. Ikki va undan ortiq so'zdan tashkil topgan va yaxlit bir ma'noni ifodalaydigan til birliklariga frazeologik birlik yoki frazeologizm deyiladi.

O'zbek tilida alohida o'ringa ega bo'lgan iboralar bu til mazmunini yanada boyituvchi ma'naviy xazinadir. O'zbekistonda maqol, naql, iboralar ustida ilmiy-ijodiy ishlar olib borilgan.

Taniqli shoir va yozuvchilarning frazeologik birlik, frazeologizm, frazemalardan mohirona foydalanib, personajlar nutqini individuallashtirish, asarning ta'sirchanligini oshirish sohasidagi zahmatli ijodiy mehnati haqida qator risolalar, monografiyalar yaratilgan. Frazeologiya nazariyasiga dastlab fransuz tilshunosi Sharll Balli[1] asos solgan. Rus tilshunosligida V.Vinogradov[2] iboralarni leksik qatlam sifatida ma'no guruhlariga ko'ra tasniflaydi. V.Jukov[3] esa frazeologizmlarning kategoriya va ma'nolarini aniqlagan. O'zbek tilshunosligida frazeologizmlani

[1] Balli Sh. Французская стилистика. – М.: Из-во иностр.литры, 1961. – С. 89-90.

[2] Виноградов В. Грамматика русского языка. 1952-1954.

[3] Jukov A.V. Фразеологичэская преходность в русском языке. – Л.: ЛГПИ им. А.И.Герцена, 1984. – С. 25-31.

Sh.Rahmatullayev, M.Sodiqova, I.Qo‘chqortoyev, A.Rafiyev[1] kabi olimlar ishlarida keng yoritilgan. Olimlarimiz tomonidan o‘rganilgan tadqiqotlarda frazeologizm masalalari yetarli darajada tahlil qilingan. Jumladan, shoira Zulfiya ham o‘z ijodi davomida umuman tilga, jumladan, ibora qo‘llashga ana shunday mas’uliyat bilan yondoshadigan so‘z san’atkorlaridan biri edi.

Shoira Zulfiya asarlarida yetti yuzga yaqin frazemalar qo‘llangan bo‘lib, ularning asosiy qismi jonli so‘zlashuv nutqiga xoslangan va kitobiy frazemalar sanaladi. Masalan, *jonini olmoq*, *iziga tushmoq*, *qo‘sha qarimoq*, *ter to‘kmoq* kabi jonli so‘zlashuv nutqiga xoslangan frazemalarni, *nazar tashlamoq*, *dilni yoritmoq*, *ko‘ksini baland qilmoq* singari kitobiy frazemalarni, *qatim tortmoq, eshikka chiqmoq* kabi dialektal xarakterdagi frazemalarni, *bag‘ri tosh, bir so‘zlab, o‘n kulmoq* kabi xalq og‘zaki ijodiga xoslangan frazemalarni ham uchratamiz[2].

So‘z san’atkorlarining adabiy tilni taraqqiy ettirishdagi xizmati ham, umuman olganda, ularning “yangi so‘zlar” yaratishlari bilan belgilanmaydi (chunki bunday ijod qilish, umuman olganda juda kam uchraydigan hodisadir), balki birinchi navbatda, ularning xalq tili boyligidan qanday foydalanishlari, jonli xalq tili xazinasidan olingan so‘z va iboralarni qayta ishlab, qanday silliqlashtirishlari bilan belgilanadi[3].

Zulfiya sharq ayoliga xos yuksak ibratli hayot yo‘li bilan barcha xotin-qizlarga o‘rnak bo‘lib yashab o‘tgan ijodkordir. Zulfiyaning hayoti va ijodi‘‘ ma’naviy jasorat, mehr va sadoqat timsolidir.

Shoira hayotni haqqoniy aks ettirish, tasvirida tabiiylikni ta’minlash uchun xalq tili boyligini, uning o‘ziga xos xazinasini chuqur o‘rganadi. Ana shunda qalamning mo‘jizakorligi, shoiraning kashfiyoti, oddiy so‘zlarda tovlangan ohor, she’riy tasvirdan quyilgan yog‘du borligimizni zabt etadi:

Koshki edi men boshingda
Turgan bo‘lsam o‘sha dam,
Kirmasmidim men qoningga,
Bermasmidim jonni ham.

Keltirilgan she’riy parchaning birinchisida – Zulfiyaning bandida yurak harorati bor. Shoira aks ettirmoqchi bo‘lgan voqeani chuqur his etgan, tafakkur talqinidan o‘tkazgan. Butun vujudini larzaga solgan hayajonini, ichki tug‘yonini misralarga quyishda qalamini shoiraning yuragi boshqargan. Shuning uchun bandda mujassamlashgan badiiy mazmunni juda go‘zal ravishda ifodalay olgan. Shuningdek, tasvir uslubi sodda, oddiy. Shoira ana shu oddiy uslubdan bandning mustahkam muskulini tiklagan va qaynoq nafosatini yuzaga keltirgan. Shoira so‘zlarni shunday qo‘llaganki, misradagi har bir so‘z shu satrning qonuniy a’zosiga aylangan va ajoyib timsollar yaratishga, holatni to‘liq gavdalantirishga imkon bergan. Shoira eng aziz do‘stiga xitob qilib: “*Kirmasmidim men qoningga, bermasmidim jonni ham*” deydi. Ko‘rinishdan bu oddiy tasvirga o‘xshaydi. Ammo qalamkash ana shu oddiylik orqali tabiiylikka erishadi. Natijada ”*qonga kirmoq*”, ”*jonni bermoq*” timsollari kishini o‘ziga tortuvchi, tasvirlanayotgan mudhish voqeaning ishtirokchisi sifatida to‘lqinlantiruvchi, kitobxon qalbiga zarb bilan urilib, alam - qayg‘u nidosida chayqaltiruvchi kuch kasb etadi. Oddiy so‘zlardan ana shu darajada tug‘yonkor ruhiy kayfiyatni ifodalashga imkon topish shoira qalamining mo‘jizakorlik qudratidan bir nishonadir.

Shoiraning she’rlarini o‘qir ekanmiz, qalami mo‘jizakor, xalq tili boyligidan mohirona foydalanganligini ko‘ramiz.

Salqin saharlarda, bodom gulida,
Binafsha labida, ellarda bahor.
Qushlarning parvozi, ellarning nozi,
Baxmal vodiylarda, qirlarda bahor.

Ushbu keltirilgan misralarda ”*Binafsha labida*”, ”*ellarning nozi*” birikmalariga e’tiborni qaratmoqchimiz. Bu misralarda shoira ”binafsha labi” deb bahor go‘zalligini o‘ta noziklik bilan o‘xshatishdan foydalanganligini, keyingi misradagi ”ellarning nozi” deb bahor shamolining mayin esishi, nafis tarovatiga ta’rif beradi.

Badiiy asar tilida frazeologizm hech qanday o‘zgarishsiz, umumtil shaklida qollanishi bilan birga, xilma-xil struktur-semantik o‘zgarishlarga ham uchraydi. Bunday o‘zgarishlarga uchragan frazeologizmlar frazeologik uslubshunoslik fanida okkazional frazeologizmlar deb yuritiladi. Okkazional iboralar tarkibida yuz beradigan tarkibiy o‘zgarishlar matnda emotsional-ekspressivlk, uslubiy bo‘yoqdorlikni vujudga keltirish ehtiyoji asosida ro‘y beradi. Bunday holatlarni lingvopoetik nuqtai nazardan tahlil etish faqat tilshunoslik va adabiyotshunoslik fani uchun taalluqli bo‘lmay, dolzarb umumfilologik muammo sanaladi.

Shoira ijodida frazemalar birinchi navbatda matnning obrazliligi, ta’sirchanligini oshirish vositasi sifatida xizmat qiladi. Frazemalarning matn tarkibidagi qo‘llanish chastotasi qanchalik yuqori bo‘lsa, ularning ta’sirchanlik quvvati ham shunchalik oshgan bo‘ladi. Masalan, shoira asarlarida eng ko‘p qo‘llanadigan frazemalar ”*jon*”, ”*ko‘z*”, ”*bosh*” komponentlari yordamida shakllangan. Masalan, shoira o‘z she’rlarida *jon kirmoq*, *jon bermoq*, *jonim bilan*, *jon olmoq*, *jonidan judo qilmoq*, *joni chiqmoq*, *jon kuydirmoq*, *jon fido qilmoq*, *joni halqumiga kelmoq*, *joni o‘rtan-*

[1] Rahmatullayev Sh. O‘zbek tilining izohli frazeologik lug‘ati. – Toshkent, 1978; Sodiqova M. O’zbek tilining orfografik lug‘ati. – Toshkent, 1977; Qo‘chqortoyev I. Badiiy nutq stilistikasi. – Toshkent: ToshDU nashri, 1975. – B 48-72; Rafiyev A. O‘zbek va rus tillarida ravish frazeologik birliklar. – Toshkent, 1999.

[2] Zulfiya. Asarlar. Ikki tomlik. 1-tom. She’rlar. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nosmidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1974.

[3] Doniyorov X., Mirzayev S. So‘z san’ati. – Toshkent, 1962. – 201 b.

moq singari ”*jon*” komponentli frazemalarni qo‘llashga, matn tarkibida ularning okkazional ma’nolarini ro‘yobga chiqaishga alohida e’tibor qaratgan edi[1].

Badiiy uslub til birliklaridan foydalanishda ijodkorga nihoyatda keng imkoniyatlar yaratib beradi. Bunda biror mazmun va obraz yaratishda ijodkor tilida mavjud shakllardan tashqari yangi modellar ham hosil qilish mumkin. Zero, bunda eng asosiy maqsad badiiylikni yuzaga chiqarishdan iborat bo‘ladi. Badiiy matnda biror maqsad yo‘lida hosil qilingan ijodkorning individual uslubigagina xos bo‘lgan yangi shakllar okkazionalizmlar deyiladi.

Zulfiyaning ”Oltin kuz” she’rida mana shunday individual, hech kimda uchramaydigan so‘zga guvoh bo‘lamiz:

Men g‘amgin boqmayman, ko‘nglimda bahor,
Oltin yaproqlarga qarab tolmayman.
Yasan kelinchakday har bir daraxtni
Sevaman! Nigohim uza olmayman.[2]

Kuz ko‘pincha ayriliq ramzi sifatida shoira asarlarida tasvir obyektiga aylangan. Yuqoridagi she’rda lirik qahramon, yani shoiraning o‘zi kuzga o‘zgacha yondashadi. Chunki uning qalbida bahor kayfiyati hukm surmoqda. *Oltin yaproqlar* bezangan daraxtni yasan kelinchakka o‘xshatmoqda. ”*Yasan*” so‘zi aslida fe’l so‘z turkumiga oid bo‘lib, *yasamoq* fe’lining o‘zlik nisbatdagi shakli hisoblanadi. Yasanmoq fe’li 3-shaxs birlikdagi buyruq istak shaklida matnda qo‘llangan. Ammo bu fe’l boshqargan *kelinchakday* so‘zi *yasan* fe’lini o‘tgan zamon –gan formasida bo‘lishini talab qiladi. Agar shoira ushbu birikmani *kelinchakday yasangan* tarzida aslida qo‘llasa, inversiya sodir bo‘lmasa, misralar ohangdoshligiga putur yetishi mumkin. Bu misolda shoira tomonidan qo‘llangan *yasan* so‘zi morfologik-sintaktik okkazionallik hosil qilmoqda.

Inson uchun eng katta baxt – tinchlik, xotirjamlik. Hech kim urushni, o‘q tovushini eshitishni istamaydi. Dunyoda tinchlik, xotirjamlikni ko‘rmasdan ”ko‘z yummoq”qa haqqi yo‘qligini quyidagi parchada yorqin tasvirlaydi:

...Sarhisob chog‘imas,
Maslak bir talay.
Uzun umr ato qilgan toleyim.
Jahonda o‘q tovushin o‘pganim bilmay,
Dunyodan tinchgina ko‘z yumadi kim?

Misollardan ko‘rinadiki, shoira o‘z asarlari tilini shirali va ravon qilish uchun xalq tilidan foydalanar ekan, unga ehtiyotkorlik va hurmat bilan yondashadi.

Shu bilan birga shoira ”O‘g‘irlamang qalamim bir kun” she’rida ”*jon ko‘chirmoq*” okkazional frazemasini yaratgan edi:

O‘g‘irlayman qalaming bir kun!
Hazilingiz *ko‘chirdi jonim*.

Yoki ”*yoqasidan tutmoq*” frazemasi tilimizda asosan shaxsga nisbatan qo‘llanadi va ”*ajablanmoq; jazolamoq*” ma’nolarini bildiradi[3]. Shoira bu frazemani jonsiz narsa – qish fasliga nisbatan qo‘llaydi, bu esa o‘sha frazemaning ekspressivlik darajasining yuqori bo‘lishini ta’minlaydi:

Mana qimmatligim, yana bahor kelib
Seni izlab yurdi, kezdi sarsari
Qishning yoqasidan tutib so‘radi seni
Ul ham yosh to‘kdi-yu, chekildi nari[4].

Shoira Zulfiya asarlarida birgina ”ko‘z” komponentli frazemalardan unumli foydalangan. Masalan, ko‘z-ko‘z qilmoq, ko‘z uzmaslik, ko‘z ilg‘amoq, ko‘z yummoq, ko‘z-quloq bo‘lmoq, ko‘z yugirtirmoq, ko‘zga surmoq singari bir qator ”ko‘z” komponentli frazemalarning mahorat bilan qo‘llanganiga guvoh bo‘lamiz. Ayrim o‘rinlarda ”ko‘z” komponentli frazemalar bir necha ma’noda, polisemantik frazema shaklida qo‘llanadi. Masalan, ”ko‘zi ochilmoq” frazemasi shoira asarlarida quyidagi ikki ma’noni ifodalaydi:

a) hushyor bo‘lmoq, yaxshi-yomonni tushunadigan bo‘lmoq:
Bir bor ko‘zi ochilgan inson
Unda topmas panoh va yo‘ldosh;
b) g‘am-kulfat olovida yonmoq:
Ko‘z ochgani qo‘ymadi alam,
Boshim qo‘ysam kuydirar bolish;
v) haqiqatga erkin, tik qaramoq:
Ochiq ko‘zlar bilan olamga boqding,
Hayotni taniding rang-barang va keng.

Shu bilan birga shoira asarlarida ”*ko‘z*” komponentli umumxalq tili frazemalari modeli negizida quyidagi singari bir qancha individual-muallif yoki okkazional frazemalarning shakllangani ham ko‘zga tashlanadi: *yurakning ko‘zi*, *ko‘zi kirmoq*, *qoshi-ko‘zdan ham yaqin*, *butun vujudi ko‘z bo‘lmoq*, *borlig‘i ko‘z bo‘lib boqmoq*, *ming ko‘z bo‘lib boqmoq* kabilar.

Zulfiya asarlarida *ko‘z yummoq, qo‘lga olmoq* singari bir qancha birikmalar ham o‘z na’nosida (erkin birikma sifatida), ham ko‘chma ma’noda (frazema sifatida) qo‘llangani kuzatiladi:

Bir dam *yumdi ko‘zini*, ammo
Og‘ir bo‘ldi dard chekmoq tanho;
Ozod yurtda berganim-chun jon,
Ko‘z yumaman mag‘rur, bearmon;
Jangda yenggan otang qaytib *qo‘liga oldi*,
Go‘daklikdan bir umrga to‘xtadi yoshing.

[1] Zulfiya. Asarlar. Ikki tomlik. 2-tom. Dostonlar, tarjimalar. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1975.
[2] Zulfiya. Saylanma. – Toshkent: Sharq, 2006. – B.7.
[3] Rahmatullayev Sh. va b. O‘zbek tili frazeologik lug‘ati. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2022. – 636 b.
[4] Zulfiya. Asarlar. Ikki tomlik. 1-tom. She’rlar. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1974.

Zulfiyaxonim o‘z poetik asarlari tilining ravon va mazmundor bo‘lishi uchun, qofiyalarning to‘q va misralarning teng bo‘lishi uchun kurashar ekan, ba’zan turg‘un birikmalar – frazemalarni ham asosiy mazmunini buzmagan holda shaklan yo kengaytirib, yo qisqartirib beradi:

Ota bo‘lib soldim men yo‘lga,
Ona bo‘lib mehrimga oldim.
Mana, yurtga o‘g‘il o‘stirgan
Bir davlatmand boy bo‘lib qoldim.

Ushbu she’riy parchada ”*yo‘lga solmoq*” iborasi orqali qo‘llangan. Otaning burchi farzandni to‘g‘ri yo‘lga boshlash, hayotning past – balandini o‘rgatish, xalqqa va jamiyatga nafi tegadigan qilib tarbiyalash. Shoira bu yukni ham o‘zi bajarganligini, ham ota, ham ona vazifasini bajarganligini ”*yo‘lga solmoq*” iborasi quyma misralarda ko‘rsata olgan. Bunda ”*yo‘lga solmoq*” iborasini qo‘llab, bu orqali chuqur ma’noni ifodalashga erishgan.

Bundan tashqari shoira asarlarida frazemalarni transformatsiyalashning o‘ziga xos usullaridan ham keng foydalangan:

1) Frazema komponentlarini o‘rin almashtirish usuli yordamida transformatsiyalash: so‘zining ustidan chiqmoq[1], bel bog‘lamoq[2] kabilar:

Teramiz sur’atni bo‘shatmay bir dam,
Ishonch zo‘r *chiqamiz so‘zning ustidan*;
Yeng shimarib *bog‘lashib belni*
El istagin etamiz bajo.

2) Ma’nodosh frazemalarni bir matnda yonma-yon qo‘llash orqali trasformatsiyalash: *jon bermoq – qon bermoq*[3]; *yuzini yerga qaratmoq – boshini yerga qaratmoq; yuragi urmoq – yuragi tepmoq*[4].

3) Frazema tarkibiga uning ma’no qirrasini to‘ldirishga xizmat qiluvchi so‘z (element) kiritish orqali transformatsiyalash:

Sening pok parchangga bosib kirdi yov
Bizning saodatga *solmoq bo‘ldi chang.*

Ma’lumki, adabiy tilda ”*igna bilan quduq qazimoq*” kim? frazemasi bo‘lib, ”ko‘p kuch va vaqt talab qiladigan, mashaqqatli mehnatni bajarmoq”. Varianti: **nina bilan quduq qazimoq** ma’nolarini bildiradi (O‘TFL, 194)[5]. Shoiraning “O‘zimga” she’rida ana shu umumtil frazemasi asosida “xotira qudug‘ini qazimoq” individual-muallif frazemasini hosil qilgan:

Qit’adan qit’aga kezding piyoda,
Xotirang qudug‘in qazish kerak xo‘p.

Shu bilan bir qatorda ”*xirmon ko‘tarmoq” kim?* ekin-tikinni yig’ib, hosil me’yorini hisob-kiob qilmoq umumtil frazemasi bo‘lib, varianti: xirmonni ko‘tarmoq” hosil me’yorini hisob-kitob qilmoq” ma’nosini bildiradi. (O‘TFL, 537). Shoira paxtakorlar mehnatiga madhiya sifatida yozilgan ”Tahsinu ta’zim!” she’rida bu frazemaning ta’sirchanlik darajasini oshirish maqsadida uning oldidan ”*oyda*” komponentini qo‘llab, uning tarkibini kengaytiradi:

Bugungi yashnagan bepoyonlik kam,
Ko‘tarmoq bo‘lasiz *oyda ham xirmon.*

Shoira she’rlarida qo‘llangan tongni kuylayman; oppoq, nurli tongni kuylayman; ona qalbi oyoqqa tursa, o‘g‘lim sira bo‘lmaydi urush; jo‘shqin mushoira etadi davom, do‘stim kel sen ham kabi misralar hozirgi kunda o‘tkir aforizmlar, hikmatli frazemalar sifatida jaranglamoqda. Bu esa shoira she’riyati xalqimiz qalbiga juda yaqin, uning orzu-intilishlari bilan hamohang ekanligini ko‘rsatadi.

O‘zbek xalqining sevimli qizi Zulfiyaxonim ijodi o‘ziga xosligi bilan o‘zbek adabiyotida alohida o‘rin tutadi. U mohir so‘z san’atkori sifatida o‘zbek tilining boy imkoniyatlaridan keng foydalandi. Shoira she’rlari tilining sodda va ravonligi, badiiy til vositalaridan unumli foydalanilganligi bilan kitobxonlarni o‘ziga jalb etadi. Badiiy nutq nutqning boshqa nutqlardan asosiy farqi shundaki, unda tilning kommunikativ vazifasi bilan bir qatorda estetik vazifasi ham yuzaga chiqadi. Badiiy til vositalari tilning estetik vazifasini namoyon etishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Rezyume. Ushbu maqolada Zulfiya she’rlarida tilning soddaligi, xalqona iboralarni qo‘llashga intilgani va hayotni, borliqni, insonning his-tuyg‘ularini hayotiy, ta’sirchan, obrazli, o‘ziga xos shoirona tasvirlash, ularning o‘ziga xosliklarini o‘rganish nazarda tutilgan.

Resume: This article focuses on the simplicity of language in Zulfiya’s poems, the attempt to use folk expressions, and the vivid, impactful, and unique poetic depiction of life, existence, and human emotions, with an emphasis on studying these unique features.

Резюме: В статье анализируются вопросы творчества поэтессы Зулфии. В её творчестве выражены различные чувства, мысли, идеи: жизнелюбие, восторг созидания, радостные надежды на будущее, счастье человечества.

[1] Zulfiya. Asarlar. Ikki tomlik. 1-tom. She’rlar. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1974. – 145 b.
[2] O‘sha asar. 26-b.
[3] O‘sha asar. 79 -b.
[4] O‘sha asar. 19-b.
[5] Rahmatullayev Sh. va b. O‘zbek tili frazeologik lug‘ati. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2022. – 636 b.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

O'ZBEK TILIDA ZOONIMLARNING SEMANTIK-FUNKSIONAL TAHLILI (Ogahiy asarlaridagi zoonimlar misolida)

Xudayberganova Dildora Kulmamatovna,
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti kompyuter lingvistikasi va amaliy tilshunoslik kafedrasikatta o'qituvchisi, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori

Har qanday xalqning o'z tarixi va o'sha tarixni aks ettiradigan eng noyob boyligi va ulkan merosi bo'ladi va bunday boylikni biz til deb ataymiz. Til har bir millatning yashash tarzini, urf-odatlari-yu udumlarini o'zida aks ettiradigan mukammal va buyuk meros hisoblanadi. Til lug'at boyligining shakllanish jarayonini kuzatish uchun qadimiy manbalar tilini, leksikasini o'rganish va hozirgi tilda aks etgan leksika bilan qiyosiy o'rganish maqsadga muvofiq bo'ladi. Qadimiy manbalarni o'rganish, ularni tahlil qilish bugungi kundagi dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi. Shu sababli biz ushbu maqolamizda Ogahiy asarlarini lingvistik jihatdan o'rganamiz va onomastik jihatdan tahlil qilamiz. Bilamizki, turkiy xalqlar qadimdan chorvachilik bilan shug'ullanib kelishgan, odamlar va hayvonlar yonma-yon yashashgan. Ming yillar davomida chorvachililk va ovchilik rivojlanishi shu sohaga doir terminlarning rivojlanishiga turtki bo'lgan.

Zoonim **–** (*zoo* yun. *onyma* nom, ism) hayvon nomlari bilan bog'liq so'zlar deb sharhlangan. Bunday so'zlar tadqiqi Mahmud Koshg'ariyning devonidan boshlangan, unda 400 ga yaqin zoonimlar, shu jumladan, 100 ga yaqin qush nomlari izohlanganligi tilshunoslikdan ma'lum. Turkiy xalqlarda zoonimlarning lisoniy tadqiqiga bag'ishlangan bir qator dissertatsiya va monografik ishlar e'lon qilingan. Xususan, A.M.Sherbakning tadqiqotida[1] uy va yovvoyi hayvonlar jinsiga, yoshiga ko'ra nomlarining etimologik va semantik tahlili berilgan bo'lsa, E.Aydogmushning dissertatsiyasida turk va qirg'iz tillaridagi zoonimlarning nomlari tasniflangan, zoonim komponentli iboralar tahlil qilingan, xonaki va yovvoyi hayvon nomlarining yasalishi o'rganilgan, zooleksikasining tarixiy qatlamlari aniqlangan. O'zbek tilshunosligida zoonimlar, zoonim komponentli matnlarning lisoniy xususiyatlariga bag'ishlangan o'ndan ortiq dissertatsiyalar yozilgan, qator monografik tadqiqotlar va izohli lug'atlar chop etilgan. Ularda turkiy yozma manbalar tilidagi zoonimlar, zoologik atamalarning shakllanish bosqichlari, zoonimlarning ma'no ko'chimlari, badiiy san'at turlarini hosil qilishdagi, inson xarakterini ifodalashdagi ahamiyati, hayvon arxisemali leksemalar maydonining mazmuniy tahlili, shaxs tavsifida hayvon nomlaridan foydalanish, o'zbek bolalar folklori tilida zoonimlar, zoonim komponentli frazeologik birliklarning strukturaviy va semantik xususiyatlari, zoonim komponentli maqollarning lingvokulturologik xususiyatlari singari masalalar tahlil qilingan. Bundan tashqari f.f.d., professor B.Abdushukurov ham o'zining ilmiy tadqiqotida XI – XIV asrlar turkiy obidalar tilidagi hayvonlar terminlarini quydagicha mavzuiy guruhlarga ajratib tahlil qilganlar.

1. Sut emizuvchi hayvonlar nomini bildiruvchi terminlar;
2. Qush nomini anglatuvchi terminlar;
3. Sudralib yuruvchi hayvon nomlari;

Ba'zi ilmiy tadqiqotlarda mavzuiy guruhlarga ajratishni biroz boshqacharoq shaklda ko'rishimiz mumkin.

1. Hayvonlarning umumiy nomlari;
2. Uy hayvon nomlari;
3. Yovvoyi hayvon nomlari.

Biz quyida Ogahiy asarlari matnida uchraydigan zoonimlarni yuqoridagi mavzuiy guruhlar asosida tahlil qilamiz.

Hayvonlarning umumiy nomlari

Ogahiy asarlaridagi muayyan hayvon nomini anglatadigan terminlar o'zining qadimiyligi jihatidan ajralib turadi. Hayvon ma'nosini anglatadigan **mol** leksemasi jamiyat taraqqiyoti natijasida boylik, davlat ma'nolarini bildirgan. Ogahiy asarlari matnida ham **mol** so'zi uy hayvonlarining barchasi uchun umumiy nom bo'lishi bilan birga, boylik, mulk, keng iste'mol mollari ma'nosida ham qo'llanilgan.

Olib har xayl barda beshumora,
*Mato-u **molg**'a xud ne shumora*[2].

Yuqoridagi bayt orqali **mol** so'zi mulk ma'nosini anglatayotganligini ko'rishimiz mumkin. Quyidagi

[1] Щербак А.М. Названия домашных и диких животных в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. – М.: Акад. СССР, 1961. – С. 82-150.

[2] Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy "Riyozu-d-davla". – Urganch: Quvonchbek-Mashhura, 2020. – B. 64.

parchada esa **mol** so‘zi hayvon nomi ma’nosini anglatyapti:

*…Va afvoji qohirakim, atrof-u javonibg‘a chopovullab borib erdilar, har favj bir tarafdin ko‘p asir va **mol-u** mavoshiy va ot va teva va qo‘zi va qo‘y o‘lja qilib, muaskari humoyung‘a kelturdilar[1]…*

Uy hayvon nomlari

Mavoti, ot, qo‘zi, mol, teva, qo‘y, yilqi, toy, g‘unon, ashxob, raxsh, yakron, it, eshak kabilar uy hayvonlari nomini anglatadigan terminlar hisoblanadi.

***Teva** yig‘naldi hadd-u sondin ortuq,*
O‘guz ul navkim, imkondin ortuq.
*Yig‘ilmish **yilqi** andoq beshumora,*
Ki atrofig‘a etmaydur nazora[2].

Tuya – tuyasimonlar oilasi, qadoq oyoqlilar turkumiga mansub juft tuyoqli sut emizuvchi hayvon[3]; bir yoki ikki o‘rkachli, juft tuyoqli, asosan, yuk tashish uchun xizmat qiladigan, suvsizlikka chidamli sut emizuvchi ish hayvoni[4]. **Tuya** leksemasi O‘rxun-Enasoy yodgorliklarida *teba // teva*, eski o‘zbek tili obidalarida, Alisher Navoiy asarlari leksikasida *teva* shaklida uchraganligi aniqlangan[5]. Hozirgi o‘zbek adabiy tilida *tuya*, shevalarda *teva* shakllari iste’molda ekanligi ma’lum. Yuqoridagi baytda **yilqi** so‘zini ham ko‘rishimiz mumkin, yilqi so‘zi M.Koshg‘ariyning “Devonu lug‘otit turk” asarida bo‘sh, bog‘lanmagan, o‘z holicha yurgan hayvonga nisbatan ishlatilgan bo‘lsa, Ogahiy asarlarida otlar podasi ma’nosida qo‘llanilgan.

Yovvoyi hayvon nomlari

Tovushqon, darranda, qulon, sher, yo‘lbars, ablaq (ola-bula tusli, yo‘l-yo‘l rangli yovvoyi ot), sibo (yovvoyi, vaxshiy hayvonlar), kiyik kabi yovvoyi hayvonlar ma’nosini anglatadigan terminlar hisoblanadi.

…Bo‘lubon qahqahazan kabki dar ham,
***Tovushqon** har qadamda jilvagar ham[6]…*

Ushbu baytdagi **tovushqon** so‘zi shevaga oid so‘z bo‘lib, quyon ma’nosini anglatadi. Navoiy asarlari tilida ham yovvoyi dala quyoni ma’nosini bildiradi. Ba’zi manbalarda **xargush** varianti ham ishlatilgan, **xargush** yovvoyi quyon degan ma’noni beradi.

Ogahiy asarlari tilida turkiy qatlamga oid zoonimlardan tashqari arabiy va forsiy qatlamga mansub zoonimlar ham talaygina qo‘llanilgan.

*…juyushi daryoxurushning barcha **mavoshiy** va matoyosin sug‘orib, shodob va serob qildilar. andin so‘ng meshk va mitharalarig‘a suv oldurub, yo‘l azimatig‘a mustaid va omoda etdilar[7]…*

Yuqoridagi parchada **mavoshiy** so‘z arabiy qatlamga mansub leksema hisoblanib, uy hayvonlari: qo‘y, sigir kabi ma’nolarda keladi. Bundan tashqari forscha hayvon ma’nosini bildiradigan termin ishlatilgan.

*…ul hazratg‘a murassa xil’at kiydurub, bir **raxsh**i tozinajod va ashhabi parinihod mindurdikim[8]…*

Qaysi masof ichraki, kirdi dalir,
*Xasmini **sher** ersa ham aylab asir[9].*

Fors tilidan o‘zlashgan sher leksemasi – arslon; botir, jasur; asad[10] ma’nolarini ifodalashi aniqlangan. Ogahiyning “Riyozu-d-davla” asarida leksikasida bu istiloh – mushuksimonlar oilasiga mansub, kalta va sarg‘ish yungli yirik sut emizuvchi yirtqich hayvon; arslon ma’nosini ifodalagan.

Asar leksikasining ba’zi o‘rinlarida bu leksema ko‘chma ma’noda epik qahramonni sherga nisbatlab ataganlikni (azamat, botir, polvon ma’nosida) kuzatildi:

Har birisi bir hizabr yanglig‘,
*Har birisi **sher**-u babr yanglig‘[11].*

Qulon otdan kichikroq, eshakdan kattaroq, otdan ko‘ra ko‘proq eshakka o‘xshab ketadigan yovvoyi hayvon[12], shuningdek, kiyik quvush shoxli sut emizuvchilar oilasining ohu, bug‘u va hokazolar kabi katta bir guruhining umumiy nomi[13] bo‘lib, zoonimlarning bir turi sifatida Ogahiy asarlari matnida ohu, g‘izol tarzida keng qo‘llangan:

*Chobuk **qulonu** semiz tovushqon,*
Ul besha aro adaddin oshqon[14].
Qoshi nazokat falakida hilol,
*Ko‘zi nazohat xo‘tanida **g‘izol**[15].*
*Summi **raxsh** etib naqsh yer nat’ini.*
Chiqib charx ayvonig‘a g‘ulg‘ula,
Tushub arz arkonig‘a zilzila[16].

[1] O‘sha asar, 102-bet.
[2] O‘sha asar, 191-bet.
[3] Xolmonova Z., Tosheva D. Zoonim komponentli paremalarning izohli lug‘ati (o‘zbek, ingliz va rus tili materiallari asosida). Lug‘at. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2016. – B. 260.
[4] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 222 б.
[5] Abduvaliyeva D. Alisher Navoiy tarixiy asarlari leksikasi. – Toshkent: Fan, 2016. – B. 116.
[6] Ogahiy. Devon. 2-jild. – Toshkent, 1972, 285-bet.
[7] Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy “Riyozu-d-davla”. – Urganch: Quvonchbek-Mashhura, 2020. – B. 91.
[8] Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy “Riyozu-d-davla”. – Urganch: Quvonchbek-Mashhura, 2020. – B. 338.
[9] O‘sha asar, – 51-bet.
[10] 10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тўртинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 563 б.
[11] O‘sha asar, 268-bet.
[12] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 370 б.
[13] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 364 б.
[14] Ogahiy. Devon. 2-jild. – Toshkent, 1972. – 365 b.
[15] O‘sha asar, 554-bet.
[16] Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy “Riyozu-d-davla”. – Urganch: Quvonchbek-Mashhura, 2020. – 337 b.

Ushbu parchada raxsh leksemasi forsiy qatlamga mansub bo‘lib, olachipor, chopqir, chiroyli ot degan ma’noda ishlatilgan.

Ko‘pchilik turkiy tillarda, jumladan, o‘zbek tilda ham, xususan, Ogahiy asarlaida ham zoonimlar yoshiga qarab ham nomlanadi. Shoir nazmida iste’molda bo‘lgan toy, g‘unon, ot, qo‘zi, eshak, it, tuya kabi zoonimlar paradigmasidagi ot, yilqi, qo‘y, eshak, it, tuya leksemalarida zoonimlarning yoshi va kattalik semasi mavjud. G‘unon va toy leksemalarida yoshi kichiklik semasi borligini ko‘rishimiz mumkin.

*Gohi **g‘unon-u** gohi chopib **toy,***
Soldi ulus ichra xuy ila xoy[1].
***Qo‘y** birla **qo‘zi** adadidin afzun*[2].

G‘unon o‘zbek tilida ikki yashar ayg‘ir yoki qo‘chqorni anglatadigan hayvon nomi hisoblanadi. Qoraqalpoq tilida ikki yashar ot ma’nosida qo‘llaniladi. Ayrim manbalarda g‘unon uch, to‘rt yashar ot, uchga to‘lmagan ot, ikki yoshdan uch yoshgacha bo‘lgan toy ma’nolariga ega.

Toy – qulunning yabag‘idan keyingi davri hisoblanadi. Endigina ishga o‘rgatila boshlagan ikki-uch yoshdagi otlar shu nom bilan ataladi. Unda otning ikki yashardan kichik bolasi ma’nosi ham bor[3]. Qo‘y umumiy ma’noga ega bo‘lib, unda voyaga yetganlik, ammo jinsi noaniqlik semasi bo‘lsa, qo‘zi so‘zida qo‘yning yoshiga yetmagan bolasi ma’nosi bor.

Ogahiy asarlari matnini tahlil qilar ekanmiz muayyan qismini hayvon nomlarini ifodalovchi so‘zlar, ya’ni zoonimlar tashkil qilishini ko‘rib chiqdik va hayvon nomi bilan bog‘liq so‘zlar uslubiy bo‘yoqdorligi bilan ajralib turadi. Ogahiy asarlari tilidagi zoonimlar boshqa ijodkorlar asarlari tilidan ancha ko‘p va sermahsul ekanligini ko‘rishimiz mumkin.

Rezyume. Ushbu maqolada Muhammad Rizo Ogahiy asarlaridagi tuyoqli hayvon nomlari yig‘ildi va tahlil qilindi. Ogahiy asarlaridagi zoonimlarni o‘rganish davomida turkiy qatlamga mansub zoonimlardan tashqari arabiy va forsiy qatlamga mansub bo‘lgan zoonimlarni ham uchratishimiz mumkin.

Rezume. This article discusses the compilation and analysis of animal names in the works of Muhammad Rizo Ogahi. During the study of animal names in Ogahi’s works, it is possible to observe not only terms related to animals from the Turkic region but also those from the Arabic and Persian realms.

Резюме. В данной статье собраны и проанализированы термины названий копытных в творчестве Мохаммада Риза Агахи. При изучении зоонимов в творчестве Агахи, помимо зоонимов, принадлежащих к тюркскому слою, можно обнаружить также зоонимы, принадлежащие к арабскому и персидскому слоям.

[1] Abduvaliyeva D. Alisher Navoiy tarixiy asarlari leksikasi. – Toshkent: Fan, 2016. – 345 b.
[2] O‘sha asar, – 345-bet.
[3] O‘zbek tilining izohli lug‘ati.1-2-jild. – Moskva, 1981. – 197 b.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, та'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

TARIXIY ASARLAR LEKSIKASIDA ESKIRGAN SO'ZLAR TIZIMI

Jo'rayeva Nasibaxon G'aniyevna,
Andijon davlat pedagogika instituti
boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasi o'qituvchisi

Odatda, til tizimidagi tarixiy so'zlar lingvokulturologik til birliklarining alohida guruhi sifatida millatning muayyan davrga xos madaniy qadriyatlari, xalqqa xos etnik, ijtimoiy-madaniy qarashlar, an'ana, urf-odat va udumlar, kiyinish madaniyati, odob-axloq, muloqot odobi me'yorlarini aks ettiruvchi muhim manba hisoblanadi. Tadqiqotimiz yo'nalishi o'zbek tarixiy diskursida tarixiy so'zlarning tilda aks etishi hamda ushbu birliklarning lingvistik o'ziga xosliklarini aniqlash, ta'riflash va tavsiflashga qaratiladi.

Dunyo tilshunosligida kognitiv tilshunoslik, lingvokulturologiya, sotsiolingvistika yo'nalishlarida olamning lisoniy manzarasi tadqiqi keng tus oldi. Bunda til birliklarining etnomadaniy xususiyatlari, olam manzarasini toifalashning nazariy-metodologik tamoyillarini belgilash izchil va tizimli tadqiqotlar o'tkazishni talab etmoqda. Olam manzarasi tushunchasini turli rakurslarda tekshirish, uning o'ziga xos xususiyatlarini aks ettiruvchi ko'p qirrali kognitiv-stilistik imkoniyatlarining konseptual tizimini shakllantirishda lisoniy va nolisoniy omillarni aniqlash muhim vazifalardan biri bo'lib qolmoqda.

O'zbek tilshunosligida olam lisoniy va konseptual manzarasida lisoniy birliklarning ilmiy-amaliy tadqiqini o'rganishga qiziqish ortib bormoqda. Olamning milliy lisoniy manzarasi xalq tili, dini, an'ana va urf-odatlari, turmush tarzida shakllanib, san'ati va adabiyotida namoyon bo'ladi va milliy mentalitetga xos stereotip tushunchalarni aks ettiradi.

Bugungi kunda konsept tushunchasi kognitiv tilshunoslik va lingvokulturologiyaning yetakchi mezonlaridan biri hisoblanadi. U yoki bu etnomadaniy jamoa tomonidan to'plangan tarixiy tajriba barcha sathlarga oid til birliklarida, xususan, semantik sathda ko'proq aks etadi. Olamning lisoniy manzarasini aks ettirish nuqtai nazaridan voqelikni konseptuallashtirishda umuminsoniy va etnomadaniy tushunchalarni ifodalovchi til birliklarining periferik imkoniyatlari tadqiq etiladi.

Konseptual tahlilning ko'plab usullari yetakchi leksema va uning leksikografik tasvirini izlash va tekshirishga asoslangan. Muayyan leksema tavsifida uning konseptual mazmuni va assotsiativ asosi ochib beriladi, ya'ni u qanday tushuncha va leksik-semantik qurshov doirasini ifodalashga xizmat qilishi oydinlashadi. Leksemalarning muayyan bir diskurs yoki kontekstda semantik-mazmuniy natija sifatida qanday qabul qilinishi lingvokulturologik xarakterdagi til birliklarining milliy-madaniy asoslariga bog'liqdir. Shu nuqtai nazardan, L.V.Chadova konseptual tahlilning mohiyatini aniq va lo'nda ta'riflaydi: "Tildagi konseptning verballashuvi leksema ma'nolari, frazeologik birikmalar, erkin birikmalar, gap qoliplari, matnlar va matnlar majmui orqali sodir bo'ladi; ularning tahlili konsept mazmunini ochish imkonini beradi, leksema ma'nolari orqali hodisa haqidagi umume'tirof etilgan tasavvur yetkaziladi. Konseptning ichki shaklini aniqlash uchun uning etimologiyasiga murojaat qilinadi". [1]

Tahlil qilinayotgan konseptni ifodalovchi so'zning sinonimlari, uyadoshlari, ko'chma ma'nolari asosidagi assotsiativ tahlili ularning funksional-semantik xususiyatlarini aniqlashga imkon beradi. Shu tariqa, konseptning tarkibiy qismi sifatida uning konseptual xususiyatlarini ifodalovchi til birliklari periferiyasi jamlanadi. Shu o'rinda aytib o'tish joizki, "Muayyan madaniyatga mansub lingvomadaniy birliklarni kontekst yoki yaxlit diskurs tarkibida olib tahlil qilish tadqiq etilayotgan birlikning semantik ma'nosini yaxshiroq va ifodaliroq anglash imkonini beradi."[2] Shu ma'noda, tarixiy romanlar diskursining lisoniy-konseptual tadqiqi tasvirlanayotgan davr ruhi, turmush tarzi, milliy lisoniy manzarasi haqida to'liq tasavvurga ega bo'lish bilan birga, til birliklarini konseptual tizimlashtirish imkonini beradi.

Binobarin, Muhammad Alining romanlarida qo'llangan tarixiy so'zlarni quyidagicha guruhlash mumkin:

1. Aniq tarixiy shaxslarni nomlovchi antroponimlar. Ushbu atoqli otlar ishlatilishining o'ziyoq

[1] Чалова Л.В. Методика концептуального анализа// https://cyberleninka.ru

[2] Turaboyeva S. Olamning lisoniy manzarasida lingvokulturologik birliklarning voqelanishi.// Science and innovation: volume 1 issue 8 uif, 2022. – B. 1516-1522.

ifodada tarixiy bo‘yoqdorlikni ta’minlaydi. Muallifning tarixiy romanlarida *Amir Temur, Umarshayx Mirzo, Jahongir Mirzo, Amir Husayn, O‘rusxon, To‘xtamish-xon, Saroymulkxonim, Xonzodabegim* kabi o‘nlab real shaxslar nomlari keltirilgan. *Temur, Husayn, Muso, Xonzoda* kabi bir qator nomlar alohida olinganda oddiy bir ism sifatida talqin qilinsa, tarixiy mavzudagi asar matnida ular voqelik haqida tasavvur beruvchi tarixiy so‘z maqomida bo‘ladi.

2. Tarixiy shaxslarni tavsiflovchi turdosh otlar. Bunday leksemalar romanlardagi tarixiy so‘zlar sirasida salmoqli o‘rin tutadi. Muayyan qabilaga mansublikni bildiruvchi *dug‘lat, jaloyir, nayman, opardiy, barlos, neko‘z, arlot* kabi etnonimlar aksar hollarda atoqli otlar bilan birga keltirilgan: *Amir Dovud **dug‘lat**ning vazmin aytgan so‘zlari unga madad berganday bo‘ldi. (S.) Temurbekning do‘stlari – Amir Joku **barlos**, Amir Sayfiddin **neko‘z,** Abbos bahodir va Davlatshoh baxshilar bor-budlarini yig‘ishtirib bersalar ham ularga solingan tovonni qoplay olmaydilar. (S.)*

*Abbos **bahodir Axiy** Jabborni mardligi va tantiligi, fidoyiligi uchun yoqtirar, hurmat qilardi* (S.) jumlasidagi **axiy** javonmardlik tariqatining a’zosi ekanligiga ishoradir. Najmiddin Kubro asos solgan javonmardlik tariqatining so‘fiylari *axiy* deb atalgan.[1]

3. Mansab va unvon nomlari. Turli ijtimoiy mavqedagi shaxslarni, mansab, unvonlarni ifodalovchi tarixiy so‘zlar tasvirlanayotgan davr lisoniy manzarasini yaratishda uslub yaratuvchi faol vosita bo‘lib xizmat qiladi. Ularni o‘z ichida bir nechta guruhlarga ajratish mumkin:

a) shaxslarning saroydagi yoki jamiyatdagi ijtimoiy mavqeyi bilan bog‘liq atamalar: sohibqiron, vaziri a’zam, podsho, xon, hoqon, amir, shahanshoh, dorug‘a, qo‘rg‘onbegi, kadxudo, qo‘rchi, o‘nboshi, yuzboshi, mingboshi, tumanboshi, arkoni davlat, to‘qsabo, shig‘ovul, tarxon, bakovulboshi, bek, beklarbegi, ulusbegi, qoziyul quzzot, ahdos, kalakchi, haram og‘asi, otabegi, eshik og‘asi (eshik og‘a), og‘aboshi, qo‘rchiboshi; oqa, xonim, xonzoda, mankuha, malak, bika, begim, bonuyi kubro, mahdi ulyo, Bilqisi sug‘ro, zavja, xosi haram: *U salom berib chodirga kirdi, kirdi-yu shohona chodir havosati, sohibqiron mahobati, jamuljam arkoni davlat salobati bosib, dovdirab, nima deyishini bilmay qoldi. (U.s.) Lashkarboshilar – Temurbek, Sher Bahrom, Shayx Muhammad, to‘qsabo, shig‘ovul va boshqa oliy mansabdorlar hukmdor bilan oraliqni bir xil saqlaganlaricha izma-iz otlarda kelishardi.* (S.) *Chap tomonda ichkaridagi o‘choqlar yonida turgan bakovulboshi unga salom bergan bo‘ldi.* (S.) *Darvozabon vaqt allamahal bo‘lganligini nazarda tutib, kirish uchun dorug‘adan ijozat olish borasida og‘iz ochgan edi, karvonboshi battarin ekan, baqirib tashladi.* (S.) *O‘zingizga ham qutlug‘ bo‘lg‘ay, ey bonuyi kubro hazrati oliyalari! (U.s.) Ko‘plar qatori Xonzoda xonimning dugonalari Iqbol bika, Siymin bika, Oqqiz, amirzodaning singillari Oq Begi xonim va Sulton Baxt begimlar ham cho‘kkalashib o‘z nasibalarini izlash bilan ovora edilar. (U.s.)* Mazkur guruhdagi tarixiy leksemalarning bir qismi amal, mansab, unvonni ifodalovchi nomlar bo‘lsa (*dorug‘a, qo‘rg‘onbegi, qo‘rchi, o‘nboshi, yuzboshi, to‘qsabo* kabi), bir qismi sub’ektiv baho ottenkasiga ega bo‘lgan tavsiflovchi so‘zlar (*sohibqiron, arkoni davlat, bonuyi kubro, mahdi ulyo* kabilar)dir.

b) iqtisodiy nochor hamda huquqsiz kishilar: g‘aribu g‘urabo, miskin, gado, chorakor, qarol, faqir, bozorchoponiy, tul-tug‘soq, tilanchi; joriya, ojiza, cho‘ri, kanizak, zaifa, asira: *Nechuk shamol uchirdikim, bizdek g‘aribu g‘urabolar sari qadam ranjida qildilar?* (S.) *Bolalagida Marg‘inonda bir boyning uyida qarollik qilib yurganida xuddi shunday nohaqdan kaltak egani esiga tushdi.* (U.s.) *Muhammad Mirakning o‘zi saxovat ko‘rgizib, bu yerda to‘plangan yetim-yesir, palid, turli bebosh bozorchoponiylarga jayba ulashdi, molu manol berdi, otu to‘nlar hadya qildi...(U.s) Endi ularni yot odamlar asiralarday olib ketishadi, endi Xorazm malikalarini olib borib cho‘ri qilib sotishadi.* (U.s.)

v) kasb-hunar egalari atamalari: juvozchi, sahhof, naddof, morboz, jarchi, mirza, chopar, tandachi, chitgar, rikobdor, rikobboshi, bovarchi, oriz, ohangar, sayis, baxshi (Kotib, mirzo, yozuvchi), malloh, bosqoqchi, g‘ajarchi, muxassil, dabir, paxsakash, xos tabib, tavochi (tavachi): *SHahardagi naddofning, kulolning ne aloqasi bor?..* (S.) *Voqeanavis, ting‘chi, qulovuzlar xabarlari bir-biriga mos kelmaydur... (U.s.) U nizomni buzib qo‘ydi, yuzimni yerga qaratdi, tandachilar olida uyalib qoldim... (U.s.) Bovarchilar, orizlar, qurolsozlar, kamonsozlar, ohangarlar, duradgorlar, yo‘lsozlar, karnaychilar, burg‘uchilar, xullas, urush degan hayot-mamot sahnasida zarur bo‘lgan hokazo kasb egalari ham bu safda bor edilar.(U.s.) Darvoza oldida sayis gijinglagan egarlog‘liq otning jilovidan ushlab turardi. (U.s.)*

g) harbiy kishilarga xos atamalar: sarkarda, sipoh, navkar, sarkor, cherik, jibachi, tiyrgar, tirandoz, kamonmergan, amirlashkar, xabargir, voqeanavis, ting‘chi, qulovuz, chuhra, xufiya, sipohsolor, oriz, sarkarda, navkar, mulozim, sipohiy, suvoriy, naftandoz, ra’dandoz: *Ularga azaldan faqat amirlashkarlik, sipohsolorlik meros qilib berilgan, Chingizxon avlodiga xizmat qilishdan nariga o‘tmasliklari shart. (U.s.) U tumanboshi Amir Joku barlosga: “Naftandozu ra’dandozlar ishga tushsun!” deb chopar yubordi. (U.s.) Janobi oliylari hamisha hushyor va ehtiyotkor bo‘lsunlar, toki vaziru lashkarboshilar, mansabdorlar,*

[1] Komilov N. Tasavvuf. – Toshkent: Movarounnahr - O‘zbekiston, 2009. – B. 105.

korchalonlar, sipohsolorlardan hech biri o‘z martabalari chegarasidan chiqmasunlar va doimo farmoningizga ilhaq bo‘lib tursunlar...(U.s.)

d) ilm egalariga oid atamalar: shayxurrais, umaro, fuzalo, munajjim, ustod, muarrix, mudarris, mullavachcha: *...Shahrisabzlik munajjim Yahyo Hasan barlosning o‘g‘li Nodirbek ibn Yahyo Mavlonozodaning xushbichimgina mushti ham bor edi...* (S.) *Yana bir toifa – muhaddislar, payg‘ambar va uning avlodlari haqida naqlu rivoyatlar keltirguvchi muarrixlar hamda qissaxonu roviylardan tashkil bo‘lg‘ay.* (U.s.) *Oyoq ostida o‘ralashib yurgan bolakaylardan tortib madrasaning tolibi ilmlari-yu sipo mudarrislarigacha, barcha-barcha bayramdagidek yasanib olishgan... (U.s.)*

e) saroy xodimlari atamalari: a’yon, zindonbon, atka, miroxur, shahna, xonsolor, shukrchi, yasovul: *Zindonbon uni Samarqand hokimi o‘g‘li bilan birga deb xayol qildi shekilli, indamadi.* (S.) *Saroy a’yonlariga xos bo‘lgan shirin mulozimatu muomalalar, seriltifotlilik, so‘zlashuvlardagi dabdababozligu quruq hasham uning g‘ashini keltira boshladi.* (S.) *Atkasining aytishicha, amirzoda juda chaqqonu chapdast emish. (U.s.) Shu payt xonsolor taom fursati yetganligini bildirib dasturxon yozishga ijozat so‘radi. (U.s.) Yonida shukrchi katta soyabonni soya qilib kelardi. (U.s.) Ko‘ksaroy sayisxonasi miroxuri bir kuni humoyun o‘rduga kelib: “Amir sohibqironga so‘zi bor”ligini aytib, kirishga ijozat so‘radi. (U.s.)*

j) ijtimoiy oqim, guruhga mansub kishilar nomlari: sarbador, qalandar, darvesh, jeta (qaroqchi)*: Amir sohibqiron, o‘zingiz ham balki uni eslarsiz,.. Samarqand sarbadorlaridan, Tun saltanati fuqarosi.(U.s.) Goh-gohida “shay’anillo”ni aytib ridoiy muhammadiyga burkangan, boshiga kulohi ahmadiy kiygan, yelkasiga kashkul ilgan, bellariga anvoyi lattalar bog‘lashib olgan qalandarlar ham jo‘shu xurush ila kelib qolardilar.(U.s.) Jeta jetaligini qilur, hamon tinchlik bermas.(U.s.)*

4. O‘rin-joy nomlari (toponimlar). Tarixiy asarlarda, muayyan davrni ifodalovchi asosiy vositalardan biri, bu – toponimlardir. Ma’lum bir davrlar o‘tishi, mavjud ijtimoiy-iqtisodiy muhitning o‘zgarishi bilan bog‘liq holda toponimlar, gidronimlar, godonimlar va boshqa makon nomlari o‘zgaruvchan xarakterga egadir. Shuning uchun tarixiy asardagi voqelik kechayotgan joylarning nomlarini to‘g‘ri belgilash asar haqqoniyligini ta’minlashda muhim ahamiyatga egadir. Bu esa ijodkordan katta mahorat va qunt talab qiladi. Yozuvchi Muhammad Alining yutug‘i shundaki, bu masalaga o‘ta sinchkovlik bilan yondashib, har bir nomning o‘rinli va xatosiz qo‘llanishiga jiddiy e’tibor beradi. Adibning tarixiy romanlaridagi joy nomlarini quyidagi guruhlarda kuzatish mumkin:

a) mamlakatlar nomlari: Chin, Basra, G‘arnota, Farang, Bulg‘or, Burtos, Movarounnahr. *Bu yog‘i na Chindayu Shomda, na Basrayu Yamanda, na Misru Adanda, na G‘arnotayu Bulg‘oru Farangda bordur ushmundoq bozor!* (S.)

b) shaharlar nomlari: Qo‘stantiya, Usrushona, Gurganj, Dimishq, Daragez, Derzab, Andxoy, Dizaq, Xevaq, Shibirg‘on, Omul, Xuttalon, Darband, Movarouqofqaz, Saroychiq, Saroy-berka, Hojitarxon, Qubo, Marg‘inon, Mozandaron, Otboshi, Barakai G‘uriyon, Boytog‘, Jeta, Juzjon, Kot, Yangkent, Hisori shodmon, O‘tror, Sabron. *Xo‘jandga yo‘lim tushdi, undan Usrushonaga yo‘l oldim...* (S.) *Shahriyor qo‘rg‘on qilmak ishiga mutasaddilikni Nasafiyga berishini taklif qildi, chunki u mohir muhandisdir, ota-bobolari Xorazmshohlar poytaxti Gurganj shahrini tiklashda qatnashgan. – Qo‘stantiyada eski sinashta cho‘pqotlarim bor, – dedi Karaklis salomlashgandan so‘ng.* (S.)

v) mamlakat yoki shaharning ma’lum qismi ma’nosidagi nomlar: o‘rdu, o‘rdugoh, qasaba, muzofot, kent, domon, dog‘goh, ulus (hudud ma’nosida), tumonot, xazorijot. *Yo rab, har qasabayu deparada albatta bir benomus saltanat iqboli ishqida kuyib yonadi.* (S.) *Umid ulkim, Samarqand saltanatimizning eng mustahkam o‘rdugohlaridan biriga aylangusidir.* (S.) *Samarqand muzofoti ushbu zotga iqia’ qilib beriladur.* (S.)

g) saroy hayoti bilan bog‘liq o‘rin-joy atamalari: saroparda, borgoh, ko‘rinishxona, shabiston, haram, ko‘shk, yonchiq, humoyun o‘rdu, shohchodir, xazinai omira, qo‘rxona, sarkorlik, xazira. *Qurultoy Solisaroydan chetroqda, asov Amudaryo bo‘yida, Amir Husayn saroparda si o‘rnatilgan yam-yashil o‘tloqda bo‘lib o‘tmoqda edi.* (S.) *Xudobanda gulzor orasidan o‘tib, baland ko‘shkning chap tomonidagi bir oshyonli kunbetkay binoga kirib ketdi.* (S.) *Humoyun o‘rdudan to Hinduvongacha jang maydoni kaftdagidek ko‘rinib turardi. (U.s.) Koriz, buloq, daryo va soylar suvi bilan sug‘oriladigan yerlarni hisobdan o‘tkazsunlar va unday yerlardan olingan hosildan ikki hissasini raiyatga, qolgan bir hissasini oliy sarkorlik uchun ajratsunlar...* (U.s.).

d) maishiy xizmat xonalari: *arusxona, yonchig‘. Ular o‘sha hokimu amirlarning yonchig‘ini obod etg‘on.* (S.) *Juda ham orasta va pokiza podsho hammomida arusxonada Xonzoda xonim, Iqbol bika, Siymin bika, Oqqizdan boshqa hech kim yo‘q edi. (U.s.)*

e) harbiy o‘rin-joy atamalari: jibaxona, pusug‘, shinak, lashkargoh, kamin, mo‘rchil. *Mavlonozoda kamonini olib dushmandan birini – tolibi ilm nazarida o‘sha askarlarga buyruq berib turibdi, boshiga bo‘rk qo‘ndirgan, sovutga o‘ralgan otliq badjahl mo‘g‘ul lashkarboshi bo‘lsa kerak – shinakdan turib nishonga oldi.* (S.) *U, qochib ketdi, deb yolg‘on ovoza tarqatibdi, aslida ketmay, to‘rt ming askar bilan kaminda pusib yotgan ekan... (U.s.) Har bir bahodir qo‘shini*

bilan o‘z jirg‘asida, mo‘rchili yonida jam bo‘ldi. (U.s.) Ehtiyot chorasi sifatida pusug‘da qo‘shin ham qo‘yib qo‘ydi. (U.s.)

yo) saqlash joylari. Bundan:

1) suv saqlanadigan joy nomlari: sardoba, koriz. *...Olamni qo‘ng‘iroq deb bilsak, inson o‘sha qo‘ng‘iroqqa sas berguvchi tildir, agar inson bo‘lmasa, qo‘ng‘iroq sas berolmaydur, olam bamisli ko‘zi berkilg‘on quduqqa o‘xshab qoladur... Va yo suvi qurig‘on sardobaning o‘zi bo‘ladur!..* (S.) *Kimki biron sahroni obod qilsa yoki koriz qursa yo biron bog‘ ko‘kartirsa, yoki xarob bo‘lib yotgan yerni chamanga aylantirsa, birinchi yili undan hech qanday soliq olinmasun...* (U.s.)

2) hayvonlar saqlanadigan joy nomlari: sayisxona, tabla. *G‘ordan yuz qadamcha narida qachonlardir qurilgan sayisxona o‘rnida Temurbek toshlardan bir necha xonali imorat bino qildirdi.* (S.)

3) qurol-yarog‘ saqlanadigan joy (ombor) nomlari: zarrodxona, jibaxona. *Jibaxonasida o‘zi uchun har kuni besh yuz jiba yarog‘ mukammal turar emish...* (S.) *Qadimdan Hisor zarrodxonasi mashhur edi.* (U.s.)

4) mahbuslar saqlanadigan joy nomlari: zindon. *Agar chiqmasang, urug‘-aymog‘ing bilan zindon qilamen, tanang yerlarda chiriydi!..* (S.)

5. Narsa-buyumlarga oid atamalar:

a) yoritish asboblari nomlari: toshchiroq, yog‘chiroq. *Ko‘cha kichkina, tor bo‘lib, unga fonus qo‘yilmagan, biron toshchiroq ham yo‘q...* (S.) *Abu Bakr Kalaviy esa noxush bir narsani sezganday ko‘ngli uvishib, tokchada lip-lip yonib turgan yog‘chiroqqa holsiz tikildi.* (S.)

b) oshxona buyumlari nomlari: dekcha, chapiya, ayoq, chilcho‘p, kosai chubin, tabaq. *Ko‘chadan o‘tib qolsangiz, kapkirlarning cho‘yan qozonga urilganiyu mis tovoqlarda holvani chilcho‘plar bilan qorilayotgani qulog‘ingizga chalinadi. Shu payt etikdo‘z yigit bir chapiyada ayron olib keldi.* (S.) *Qovunni oltun tabaqqa solib qudamizga ham yuborilsun! (U.s.)*

v) dam olish jihozlari nomlari: chahorbolish. *Hukmdor saroparda oldida zarrin chahorbolishli taxtda savlat to‘kib o‘ltirardi.* (S.)

g) transport vositalari: maofa. *Xonliq oqa maofadan bosh chiqarmay otni etaklagan quldan sekingina so‘radi.* (S.) *Jahongir Mirzoni ehtiyotlik bilan maofaga soldilar.* (U.s.)

d) yozuv qurollari nomlari: juzvdon, dovot. *Tolibi ilmlar juzvdonini osib olgancha do‘sti Xudobanda shitob kirib kelmoqda edi.* (S.) *Mavlono Ubayd xos munshiy sifatida hamisha sohibqiron yonida bo‘lar, juzvdonida har xil risolalar, daftarlar, dovotu qalam va oliy navli sulton qog‘ozidan olib yurardi.* (U.s.)

e) imoratsozlik bilan bog‘liq nomlar: tarx, koshin, islimiy girih. *Tarxi xochsimon shaklga ega qasrning xonalari zarhal va zangori rangli koshinlar, turfa xil naqshlar bilan bezatilgan bo‘lib yaraqlab turar, oyoq ostlari olti qirrali rangin g‘ishtlar bilan qoplangandi.* (U.s.) *Sattor shihna holi paytlarda darvozaning chiroyli naqshlarini, islimiy girihlarini tomosha qilishni yoqtirardi. (U.s.)*

j) chodir jihozlari nomlari: changg‘aroq. *U chodir changg‘arog‘iga tikildi.* (U.s.)

6. Harbiy tushunchalar bilan bog‘liq so‘zlar.

a) harbiy jarayon va harakatlar bilan bog‘liq nomlar: muhoriba, chopqun, savash, yasoq, yasol, nakomishiy qilmoq, yosomishiy qilmoq, savq-ul jaysh, ta’biyat-ul jaysh, g‘ul. *Hech kim uning ortidan nakomishiy qilib ham bormadi. (U.s) Sohibqiron shikorni yoqtirardi, ammo asosiy maqsad, quyonu ilvasinu kiyik otish emas, balki kelgusi janglar rusumini aniqlash, mashqini olish, “savq-ul jaysh” va “ta’biyat-ul jaysh” yo‘llarini nazardan o‘tkazishdan iborat bo‘lardi. (U.s.) Amirzodaning yosomishiy qilib saflangan shavkatli Qo‘rqmas va qattiqqo‘l... Temurbekning Amir Husayndan bir narsada ustunligi aniqdir: u jang yo‘rig‘ini biladir, yasoq tuzishga mohir, jang maydonini bir qarashda chamalay oladir... (U.s.)*

b) harbiy qism nomlari: barong‘or, javong‘or, bo‘luk, chanoh, soqa, hirovul, chopovul, shoqovul, g‘o‘l, qalb, qo‘l, ilg‘or, favj, qanbul, maymana, maysara, chag‘dovul, jirg‘a, manglay (mangloy). *Koshki ul, lashkarni yig‘ib, barong‘oru javong‘orni, qalbni mustahkamlab, chanoh bilan soqani faromush etmay ma’rakai maydonga kirsa, yog‘iyning dodini bersa!* (S.)

v) harbiy mutaxassislik nomlari: kamongar, shamshirgar, tirkishdo‘z, tiyrgar, suvoriy, xos lashkar, lashkar, qalovuz. *Kamongar, shamshirgar, tirkishdo‘z, tiyrgarlar, hokim safarga otlandi deguncha, devonga aslahalar etkazib berishg‘on, ammo haqini xazinadan emas, viloyatdan tushgan soliqlardan olishg‘on*. (U.s.)

g) harbiy kiyimlar nomlari: zirx, dubulg‘a, sovut, javshan, jiba. *To‘pbuzar sipohlar, lashkarsindirar askarlar atrofni tutib ketgan, javshan kiygan pahlavonlar ushlab olgan nayzalarning yaraqlashi ko‘zni olardi*. (S.)

d) harbiy qurol-aslaha nomlari: sadoq, tarkash, jela, darra, jiba, dovul, burg‘u, to‘ra, govsipar, manqal, bo‘kda, tabl, nafir, tig‘i parron (majoziy ma’noda). *Navkarlar qo‘liga kishan solingan, uchovining bo‘yinlariga bitta jela tashlangan, abgor bo‘lgan Iskandar o‘g‘lon, amir Hamid va amir Yusufxo‘jalarni haydab dor tagiga olib bordilar*. (S.)

Yuqoridagilardan tashqari harbiy o‘rin-joy nomlari ham keltirilgan bo‘lib, mazkur atamalar o‘rin-joy nomlari (toponimlar) tarkibida ko‘rsatib o‘tildi.

7. Kiyim-kechakka oid so‘z va atamalar.

a) bosh kiyim nomlari: kuloh, taqiya, kulta-po‘shak, qasava, takana, taylason, qamchot bo‘rk,

cho‘girma, kuloh (kulohi ahmadiy). *Katta ayollarday boshiga solgan takanasi o‘ziga yarashgan. Og‘zini yashirib turgan ro‘moli odmigina matodan bo‘lsa ham, ko‘zga nafis tashlanardi. (S,) O‘ttiz beshlarga borgan, qorin qo‘ygan bu odam boyvachchalardan ekanligi kiyimidan ko‘rinib turar, tez yugurganidan halloslab, boshidagi taylasoni echilar darajaga kelgandi. (S,)*

b) oyoq kiyim nomlari: sarmuza (kavushning bir xili), saxtiyon (charm, ko‘n). *Aslida sipohiylar, amirlar, mingboshi, yuzboshi, o‘nboshilar devonxonaga, bazm majlislarga quloqchinsiz, etiksiz, sarmuzasiz, bo‘rk yoqa chakmonsiz kirishlari mmkin emas.* (U.s.) *SHahriyorning ko‘zi beixtiyor musofirning oyog‘iga tushdi – oyog‘ida kamyob saxtiyon etik...* (S.)

v) ayollar kiyimlari nomlari: qabo, iksun qabo, ma’daniy qabo, malikiy, miqroziy, quddusiy qabo, debo, debocha, to‘rqa. *Sohibqiron deboni, agar ichida debocha kiyilgan bo‘lsa, juda yaxshi ko‘rardi...* (U.s.) *Atlasdan tikilgan iksun qabo, ma’daniy malikiy, miqroziy qabolari anchagina...* (U.s.)

g) erkaklar kiyimlari nomlari: qantara, hirqa, janda, pashmina, xil’at, xossa xil’at, tanpo‘sh, yorg‘oq, surra to‘n, tunbon. *Bir payt darvoza ochilib, egniga tunbon kiygan bir norg‘ul yigit ko‘rindi, u bolaga qo‘li bilan “ket!” ishorasini qildi. (S.) Birovi – Amir Muayyad arlot ekan, - pashminaga o‘ralibdi, Tamuqa qavchinda qunduzi po‘stin, Zindachashm opardiyda tanpo‘sh, ana unisida – Abbos bahodir ekan, - yorg‘oq deb ataladigan echki terisidan qilingan engsiz kiyim, Bahrom jaloyirda surra to‘n.* (U.s.)

d) maxsus kiyimlar nomlari: rido (ridoi muhammadiy) – diniy kiyim, dastor, mandil. *SHayx tasbehini otibdi, dastorini chuvalatib. Ojiza yo‘liga yozibdirki, ul zorim o‘tarmukin deb... (S.) Goh-gohida “shay’anillo”ni aytib ridoi muhammadiyga burkangan, boshiga kulohi ahmadiy kiygan... qalandarlar... kelib qolardilar.* (U.s.) *Ko‘ngli yumshab, mandilini Tug‘luqxo‘ja boshiga qo‘ydi, nozik ishlamali, oltin bilan ziynatlangan kamarini amir Sayfuddinning beliga bog‘ladi. (S.)*

e) kiyim bezaklari nomlari: qurchuq, baxya, o‘tog‘a. *Odatdagi darveshlar qalpog‘iga bog‘lanadigan kigiz tasma – uni qurchuq deyishadi – ham ko‘zga tashlanardi. (S) Boshlarida esa ming baxyali shaftoli gulli taqiya... (U.s.)*

8. Oy va kun nomlarini bildiruvchi atamalar: shavvol, rabbiul oxir, javzo, qantar, jadiy, dalv, xut, hamal, savr, rabbius soniy. Bunda voqelik tasvirlanayotgan davr nuqtai nazaridan islomiy madaniy kodlar asosida qamariy oy nomlaridan foydalanilganligi tarixiylik nuqtai nazaridan juda o‘rinlidir. *Ilmi nujumda ham shunday fol bor: jadiy oyining o‘n birinchi kechasi, dalv oyining to‘qqizinchi kechasi, xutning yettinchi, hamalning beshinchi, savrning uchinchi, javzoning birinchi kechalari Yetti Qaroqchi yulduzi oy bilan bab-baravar botar ekan... (U.s.) Samarqand. Tarix 765 hijriy. Shavvol oyi 20-kuni, payshanbai najotbaxsh. (S.) Shohruh Mirzo hijriy 779 yil rabbius-soniyning o‘n to‘rtida dunyoga kelmishdir!..* (U.s.)

9. Pul birligiga oid atamalar: kepaki (kepakiy), aqcha, naqdina, jayba, ukalko. *Mir Sayyid Baraka qiroat bilan qur’on tushirdi, sohibqiron yetim-yesir, beva-bechoralarga o‘n ming kepakiy oltin xayru sadaqalar ulashdi.* (U.s.) *Unga zafarnishon lashkar, askarlarga tag‘or va ukalko, otlarga ulufa ajratilgay!* (U.s.)

10. Soliq tizimiga oid atamalar: o‘lpon, zakot, xiroj, juz’ya, yarmoq, suyurg‘ol, moli omon. *Avom-ku avom ekan, hatto o‘zi kabi mansabdor bir odamning ham hech kosasi oqarmagani, yaxshilarning xor-zor bo‘lgani, zakotu xirojning bemaza qovun urug‘iday urchib ketgani, nohaqdan yiliga necha martalab o‘lpon yig‘ilishini aytib o‘tdi. (S.) Andxoy piri murshid Mir Sayyid Barakaga humoyun o‘rdudan suyurg‘ol qilib berilgandi.* (U.s.)

12. Yozuv nomlari: ko‘fiy, suls. *Faqat ko‘fiy emas, suls yozuvlari ham ishlatiladi, turli ranglar uyg‘unlashib, jilvalar ichra inja yohdular taratib turadi...* (U.s.)

13. Ish qog‘ozlari va hujjatlar nomlari: muchalko, aqd. *Un maxsus muchalko orqali berilsun!... (*U.s.*) Jahongir Mirzo bilan Xonzoda xonimlar to‘yi qutlug‘ to‘ydir, Vatan, ulus birligiga asos bo‘lguvchi, muhrlovchi aqdi nikohdir, saltanat hujjatidur!...* (U.s.)

Umuman olganda, tarixiy asarlarda milliy koloritni va voqelik kechayotgan davr ruhini berishda tarixiy so‘z va atamalarning o‘rni va ahamiyati yetakchi mavqega egadir. Ularning katta qismi istorizm sifatida umumiste’moldan chetlashgan bo‘lsa-da, ayrimlarining, arxaizm o‘laroq, bugungi kunda muqobil variantlari qo‘llanilmoqda.

Resume: In this article, from the point of view of scientific and practical research of linguistic units in the linguistic and conceptual view of the world, the role and importance of obsolete words in the historical works of the writer Muhammad Ali is studied, and their lexical-semantic group is formed.

Резюме: В данной статье с точки зрения научно-практического исследования языковых единиц в лингвоконцептуальной картине мира изучается роль и значение устаревших слов в исторических произведениях писателя Мухаммеда Али, а также их формируется лексико-семантическая группа.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

TAKRORIY TAQLID SO'ZLAR KLASSIFIKATSIYASI (BESH JILDLI O'ZBEK TILINING IZOHLI LUG'ATI ASOSIDA)

Xaydarova Xurshida,
Qarshi davlat universiteti tadqiqotchisi,
Qarshi shahridagi Prezident maktabi o'qituvchisi

Taqlid so'zning takroriy shakli so'z leksik ma'nosini davomiylik, bir necha marotaba sodir bo'lganlik, kuchlilik, balandlik, cho'ziqlik kabi qo'shimcha ma'nolar bilan boyitish imkonini beradi. Mazkur maqolada "O'zbek tilining izohli lug'ati"ga kiritilgan takroriy taqlid so'zlarni statistik tahlil qilib, ularning mazmuni bilan bog'liq farqli tomonlarni yoritib beramiz.

Ma'lumki, til inson tafakkuri sifatini ta'minlashga va istalgan obyektga nisbatan mantiqan to'g'ri o'ylashga o'rgatadi. Bu uning me'yor va qoidalari yordamida, shuningdek, simvollar sifatida namoyon bo'ladigan belgilar yordamida amalga oshadi. Shuning uchun obyekt qanchalik murakkab bo'lsa, u shunchalik murakkab belgilar tizimi orqali aks etadi. Bilish obyektining real murakkabligi tadqiqi tilning ilmiy tahliliga bog'liq va bunda til ongni ifodalovchi shakl va vosita ekanligi ko'zga yaqqol tashlanadi[1].

5 jildli "O'zbek tilining izohli lug'ati"da pometa bilan berilgan takroriy taqlid so'zlar 96 tani tashkil qiladi. Ulardan 76 tasi 79% takroriy tovushga taqlid so'z, 10 tasi 11% takroriy holatga taqlid so'z, 5 tasi 5% *tasv.s.* pometasi bilan berilgan takroriy holatni ifodalovchi taqlid so'z, 5 tasi 5% takroriy ham tovush, ham holatni ifodalovchi taqlid so'z. Yuqorida raqamlarda ko'rsatib o'tilgan takroriy taqlid so'zlarning har bir ma'no turlarini lug'atlarda mavjud asos bilan ko'rsatib o'tamiz.

1. *Taql.s.* pometasi bilan kiritilgan tovushni ifodalovchi takroriy taqlid so'zlar: *ang-ang, bidir-bidir, biyov-biyov, biz-biz, bilch-bilch, big'-big', gum-gum, he-he-he, hiring-hiring, hi-hi, hu-hu, ho'ngir-ho'ngir, ho'ng-ho'ng, ivir-shivir, kakir-kakir, kars-kars, kirt-kirt, kurs-kurs, kurt-kurt, ming'ir-ming'ir, pat-pat, pilch-pilch, pirs-pirs, pish-pish, por-por, qaq-qaq, qig'-qig', quldur-quldur, qul-qul, qu-qu, taqa-taq, tiqir-tiqir, varaq-varaq, vaq-vaq, vaqir-vaqir, vijir-vijir, xir-xir, xi-xi, xur-xur, xo'r-xo'r, zuv-zuv, g'id-g'idok, g'ivir-g'ivir, g'o'ng'ir-g'o'ng'ir, chax-chax, chag'-chag', chiyov-chiyov, chiy-chiy, chilp-chilp, chuldir-chuldir, baka-bang, bag'-bug', dang-dung, dang'-dung', darang'-durung', jangir-jungur, kasir-kusur, patir-putur, ping-pong, qart-qurt, taka-tum, takir-tukur, tapir-tupur, taraqa-turuq, tars-turs, tasir-tusur, vaqir-vuqur, vag'ir-vug'ur, g'ajir-g'ujur, g'art-g'urt, g'aq-g'uq, shapir-shupur, shap-shup, shatir-shutur, shovur-shuvur, chatir-chutur, chaq-chuq, chag'ir-chug'ur*[2].

2. *Taql.s.* pometasi bilan berilgan holatni ifodalovchi takroriy taqlid so'zlar: *hars-hars, jivir-jivir, lapang-lapang, likang-likang, lors-lors, mildir-mildir, mo'lt-mo'lt, g'ivir-g'ivir, g'imir-g'imir, yalt-yult*[3].

3. *Tasv.s.* pometasi bilan berilgan holatni ifodalovchi takroriy taqlid so'zlar: *bij-bij, bilq-bilq, diring-diring, jaraq-jaraq, pitir-pitir*[4].

4. *Taql.s.* pometasi bilan berilgan ham holatni, ham tovushni ifodalovchi takroriy taqlid so'zlar: *bi-jir-bijir, biq-biq, vij-vij, g'ij-g'ij, taqir-tuqur*[5].

Lug'atlarda mavjud takroriy taqlid so'zlarning ba'zilari sodda shaklda ham, takroriy shaklda ham qo'llanila olsa, ba'zi takroriy taqlid so'zlar esa faqat takroran qo'llaniladi. Ularning bir so'z bilan qo'llanilish holatlari kuzatilmaydi. O'rganishlarimiz natijasida takroriy taqlid so'zlarning qo'llanilish imkoniyatlari sodda taqlid so'zlarga nisbatan kengligini asosli yangilik sifatida ayta olamiz. Sababi barcha sodda taqlid so'zlarning takroriy shakli mavjud, shuningdek, sodda shakli so'zlashuvda uchramaydigan takroriy taqlid so'zlar ham ko'pchilikni tashkil qiladi. Masalan, *do'qir, duk, chug'ur* kabi taqlid so'zlar sodda shaklda ham, takroriy shaklda ham qo'llanilsa, *bilq-bilq, hi-hi, chax-chax* kabi taqlid so'zlar hamisha takror shaklda qo'llaniladi.

Sodda shaklda ham, takroriy shaklda ham kela oladigan, shuningdek, lug'atda xuddi shunday shaklda kiritilgan taqlid so'zlardan ba'zilarini fikrimizga asos sifatida keltirib o'tamiz:

DO'QIR *Qo'qon aravaning do'qiri qursin, – vaysadi Lutfiniso.* Oybek, Tanlangan asarlar.

[1] Ўзбек тилшунослиги: тараққиёт тамойиллари, илмий муаммолар, истиқболдаги вазифалар. – Тошкент, 2013. – Б. 24.

[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.

[3] Келтирилган манба. 5 жилдли. 2006-2008.

[4] Келтирилган манба. 5 жилдли. 2006-2008.

[5] Келтирилган манба. 5 жилдли. 2006-2008.

DO‘QIR-DO‘QIR *Oloy yo‘li o‘nqir-cho‘nqir, mashinalar do‘qir-do‘qir, kuydik bu yo‘lning dastidan.* “Mushtum”.

CHUG‘UR *Qushlarning chug‘urini, buloqlar jilg‘asining shildiraganini eshitgandek bo‘lardi.* S. Ahmad, Jimjitlik.

CHUG‘UR-CHUG‘UR *Hovli jimjit, faqat sathida nasibasini terib yurgan musichalarning kukusi-yu, chumchuqlarning chug‘ur-chug‘urigina jimjitlikni buzadi.* “Yoshlik”.

DUK *[Latif] Chelakdan ikkinchi shishani olib tagiga bir urdi-da, Sultonning oldiga “duk” etkazib qo‘ydi.* O.Yoqubov, Larza.

DUK-DUK *Avvaliga u [soqchi] asta-sekin yurib bordi, keyin Nasriddin afandining qulog‘iga duk-duk qilgan ovoz eshitildi*[1]*.* “Mushtum”.

Faqat takror shaklda kela oladigan, lug‘atda ham aynan shu shaklda kiritilgan taqlid so‘zlar ham ko‘pchilikni tashkil etadi. Masalan,

BILQ-BILQ *Yo‘l juda og‘ir. Havo issiq, dim va chang. Bilq-bilq issiq tuproqqa botib bormoqdamiz.* Oybek, Bolalik.

HI-HI *“Yengiltak” deb so‘kindi Saidg‘ozi ichida. Bo‘lmasa, qalamning uchi sinsa ham hi-hi-himi!..* S. Anorboyev, Oqsoy.

CHAX-CHAX *Bu yetmagandek, hovlining huv etak tomonidan baralla bulbullar chax-chaxi eshitila boshladi*[2]*.* A. Muxtor, Buxorolik bir yigit.

5 jildli “O‘zbek tilining izohli lug‘ati” da *taql.s.* pometasi bilan berilgan so‘zlar ichidan 84 tasi 81% faqat takroriy tarzda *(ang-ang, bidir-bidir, biyov-biyov, biz-biz, bilch-bilch, big‘-big‘, gum-gum, he-he-he, hiring-hiring, hi-hi, ho‘ngir-ho‘ngir, ho‘ng-ho‘ng, ivir-shivir, kakir-kakir, kars-kars, kirt-kirt, kurs-kurs, kurt-kurt, ming‘ir-ming‘ir, pat-pat, pilch-pilch, pirs-pirs, pish-pish, por-por, qaq-qaq, qig‘-qig‘, quldur-quldur, qulqul, qu-qu, taqa-taq, tiqir-tiqir, varaq-varaq, vaq-vaq, vaqir-vaqir, vijir-vijir, xir-xir, xi-xi, xur-xur, xo‘r-xo‘r, g‘id-g‘idok, g‘ivir-g‘ivir, g‘o‘ng‘ir-g‘o‘ng‘ir, chax-chax, chag‘-chag‘, chiyov-chiyov, chiy-chiy, chilp-chilp, chuldir-chuldir, hars-hars, jivir-jivir, lapang-lapang, likang-likang, lors-lors, mildir-mildir, mo‘lt-mo‘lt, g‘ivir-g‘ivir, g‘imir-g‘imir, bij-bij, bilq-bilq, diring-diring, jaraq-jaraq, pitir-pitir, bijir-bijir, biq-biq, vij-vij, g‘ij-g‘ij, baka-bang, bag‘-bug‘, darang‘-durung‘, jangir-jungur, kasir-kusur, patir-putur, ping-pong, qart-qurt, taka-tum, takir-tukur, tapir-tupur, tasir-tusur, vaqir-vuqur, vag‘ir-vug‘ur, shapir-shupur, chatir-chutur, chaq-chuq, chag‘ir-chug‘ur, taqir-tuqur*[3]*)* foydalaniladi va shu shaklda kiritilgan. Aniqlangan ushbu misollarga asoslanib, 5 jildli “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”ga asosan takror shaklda uchraydigan taqlid so‘zlargina kiritilganligi haqidagi fikrni ilgari suramiz. Ehtimol, ham sodda, ham takroriy shaklga ega bo‘lgan taqlid so‘zlarning takroriy varianti izohli lug‘atlarda lug‘aviy birliklar soni haddan tashqari oshib ketishining oldini olish maqsadida kiritilmagan. Takroriy taqlid so‘zlarning ma’nosini tushunishda ularning sodda shakli asosidan anglashilib turgan ma’noga asosiy e’tibor qaratish maqsad qilingan. Shuningdek, ayrim sodda taqlid so‘zlar illyustrativ misollarida ularning takroriy variantlari ishtirokidagi misollar ham kiritilgan o‘rinlar mavjud.

Izohli lug‘atlarda takroriy taqlid so‘zlar sodda taqlid so‘zlar miqdori bilan taqqoslaganda ozchilikni tashkil etadi. Ko‘pchilik sodda taqlid so‘zlarning takroriy varianti alohida so‘z sifatida kiritilmagan. Masalan,

GUV *Kostyum yana bitmabdi. Avvaliga shu jumlani eshitib, quruq o‘tinday guv etib yonib ketdim.* S.Abduqahhor, Sanamay sakkiz dema.

GULDUR *Guldur etib, bulut tarqab, yalt-yult etib chaqmoq chaqdi.* Hamza.

GURS *Allaqayda ko‘tarma kranning chiyillagani, so‘ng gurs etib to‘xtagani eshitildi.* S.Siyoyev, Yorug‘lik.

INGA *Temir yo‘l ishchilari turadigan tunuka tomli umumiy yotoqxonaning chekkadagi xonasidan go‘dak ingasi, Hadyaning allasi eshitilardi.* Sh. Toshmatov Erk qushi.

JIRING *Pulga o‘ch u, yoningizda tanga jiring etsa, “labbay gapirdingizmi?” deb turadigan odam.* A. Muxtor, Tug‘ilish.

MIYOV *Sidiqjon shunday qattiq kuldiki, burchakda kulcha bo‘lib yotgan mushuk shoshib o‘rnidan turdi va Sidiqjonga qarab “miyov” dedi.* A. Qahhor, Qo‘shchinor chiroqlari.

QAG‘ *Qarg‘a qag‘ etadi, o‘z vaqtini chog‘ etadi.* Maqol.

TO‘P *Olma to‘p etib yerga tushdi. Tashqarida bir narsa to‘p etdi*[4]*.*

Yuqoridagi taqlid so‘zlar umumxalqda takror shaklda ham ko‘p uchraydi. Lekin ularning takror shakli so‘zlik maqomida berilmagan.

Shuningdek, izohli lug‘atda ayrim sodda taqlid so‘zlar *taql.s.* pometasi bilan, ularning takror shakli esa pometasiz kiritilgan o‘rinlarga to‘xtalamiz. Masalan,

QIRS *taql.s. Yonboshidagi jiyda butoqchasini qirs etib sindirib oldi.* Sh. Xolmirzayev, To‘lqinlar.

QIRS-QIRS *Tun sovug‘i bilan qo‘shilgan loy oyoq ostida siniq shisha parchasi kabi qirs-qirs ushaladi.* Oybek, Tanlangan asarlar.

QIRT *taql.s. Tursunoy tugmagulni ikki barmoq orasiga olib, qirt etib uzdi.* A.Muxtor, Opa-singillar.

[1] Келтирилган манба. 5 жилдли. 2006-2008.
[2] Келтирилган манба. 5 жилдли. 2006-2008.
[3] Келтирилган манба. 5 жилдли. 2006-2008.
[4] Келтирилган манба. 5 жилдли. 2006-2008.

QIRT-QIRT *U boshini qirt-qirt qashigancha eslashga urindi.* N. Maqsudiy, Laylatulqadr.

QISIR *taql.s. U o‘tirgan stul qisir etdi.*

QISIR-QISIR *O‘zim tashiyotgan aravalarning qisir-qisiri eshitildi.* H.Nazir, Cho‘l havosi.

QIQIR *To‘rtta bola ko‘chada qiqir..qiqir.. – sanlarga nima jin urdi? – dedim.* Yoshlik.

QIQIR-QIQIR *Terimchilar o‘zaro nimalarnidir pichirlab, qiqir-qiqir kulishdi.* H. Nu’mon, Fasllar.

TIQ *taql.s. Men.. xizmat qilib turibman. Tiq etgan choynak bejavob qolmaydi, – dedi shum bola*. G‘.G‘ulom, Shum bola.

TIQ-TIQ *Yong‘oqli bog‘ eshigin chaqirdi tiq-tiq urib. Barvasta bo‘yli kishi chiqdi: Kim? deb hol so‘rib.* K. Muhammadiy..

VIT *taql.s. Bedananing “vit” degani-qochgani* Maqol.

VIT-VIT *Har tomondan “vit-vit”, “chig‘i-chig‘i” deb sayragan qushlarning turli qo‘shiqlari soyning nash’asiga mos bir muzika hosil qilgan.* P. Tursun, O‘qituvchi.

ZIR *taql.s. Ruhli, kuchli ko‘krakdan chiqqan bu ashula tevarakni zir ettirib yuborgudek, Otabekka ham boshqacha bir ta’sir beradir.* A.Qodiriy, O‘tkan kunlar.

ZIR-ZIR *Zir-zir qaltiragan Gulnor sho‘rvani nariberi suzib keldi*[1]. Oybek, Tanlangan asarlar.

Yuqoridagi so‘zlarning asl ma’nosini tasavvur qilish o‘zbek tilini yaxshi bilgan yoki shu yo‘nalishda ilmiy izlanishlar olib boruvchi omma uchun hech qanday muammoni yuzaga chiqarmaydi. Biroq masalaga boshqa tomondan qaraydigan bo‘lsak, lug‘at boyligi yetarli bo‘lmagan, yoshi kichik foydalanuvchilar, shuningdek, o‘zga til foydalanuvchilari uchun bir qator qiyinchiliklarni va mavhumlikni keltirib chiqarishi mumkin. Sababi o‘zbek tilining boyligini, nutq uslublarini, so‘zlarning turli ma’no nozikliklarini anglata olish imkoniyatlarini hisobga oladigan bo‘lsak, ulardagi leksemaning matndagi ma’nosi, lug‘atda berilgan leksema ma’nosidan biroz farq qiladi, albatta. Yuqoridagi sodda va takroriy taqlidlar tarkibidagi illyustrativ misollarda ham taqlid so‘zlar mazmunan biroz farq qiladi. Bu holat leksik ma’noni aniqlashda ancha vaqt sarflanishiga olib kelishi mumkin. O‘zbek tilining lug‘at sostavi umumxalq tilining barcha so‘z boyliklarini, undagi tarixiy-traditsion, turkum qatlamlarini, yangi, zamonaviy leksikani, endi paydo bo‘layotgan eng yangi so‘zlarni ham qamraydi. Bu tilning ahvolidan, qandayligidan dalolat beradi. Lug‘at sostavi qanchalik boy va xilma-xil bo‘lsa, til ham shunchalik taraqqiy etgan bo‘ladi[2]. Yechim sifatida shuni taklif qila olamizki, takroriy taqlid so‘zlarga ham izohli lug‘atning yangi nashrlarida pometa kiritilishi leksema ma’nosini tushunishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Taqlidiy so‘zlar borliqdagi jonli va jonsiz narsalarning ixtiyoriy hamda ixtiyorsiz ravishda chiqargan tovushlarini taqlidan ifodalaydi. So‘zlarning ma’lum turkumlarga ajralishi qotib qolgan, o‘zgarmaydigan hodisa emas. O‘zbek tili grammatik qurilishining rivojlanishi, yangi grammatik xususiyatlarning asta-sekin to‘plana borishi natijasida bir turkumdagi ayrim so‘z boshqa turkumga o‘tishi mumkin. So‘zlarning bunday o‘zaro o‘tish hodisasi so‘zning semantik, morfologik va sintaktik xususiyatlarning o‘zgarishi bilan bog‘langan[3].

Mazkur maqolamizda takroriy so‘zlar bilan bog‘liq yana bir masalaga e’tibor qaratmoqchimiz. Asli taqlid so‘z turkumiga mansub, lekin ham sodda, ham takroriy shakli pometasiz kiritilgan taqlid so‘zlar ham izohli lug‘atda ko‘pchilikni tashkil qiladi. Ushbu leksemalarning ayrim hollarda qo‘llanilish doirasi chegaralanganligi, ko‘p ma’noliligi yoki omonimligi so‘z ma’nosini belgilash imkonini kamaytiradi. Ayrimlariga namuna keltirib o‘tamiz. Masalan,

BILANG-BILANG *Baliqday bilang-bilang qilib, goh unisi o‘zib ketadi, goh bunisi.* H. Nazir, Yonar daryo.

JIZ *Bu gapdan Nusratillaning tani jiz etib ketdi, Turdimat cho‘talni yeb tashlaguday qarab, ko‘nglidagini bildirib qo‘ydi.* A.Muxtor, Opa-singillar.

JIZ-JIZ *Asalari hamma yog‘imni jiz-jiz chaqib tashladi*.

JIMIR *“Genka oyisini topibdi” degan xabar bir zumda butun batalyonga tarqaldi. Bu xabarni eshitganimda, mening hayajonlanganimni aytmaysizmi. Etim jimir etib ketdi.* A. Ubaydullayev, Qonli izdan.

JIMIR-JIMIR *Go‘yo hisobsiz yulduzlarni o‘z og‘ushiga olgandek, jimir-jimir oqadi Qashqa.* S.Nurov, Durdona. *Gavhar, ko‘lning jimir-jimir to‘lqinlariga tikilib, bir lahza jim qoldi.* P.Qodirov, Uch ildiz.

LIK *Qiyomxon ham lik etib o‘rnidan turdi.* N.Aminov, Suvarak.

LIK-LIK *Chumchuqmi, chittakmi, betinim lik-lik qiladi, yana yo‘q bo‘lib qoladi.* I. Qalandarov, Shoxidamas, bargida.

LIP *Davlatyor lip etib otga mindi-yu, bir nafasda ko‘zdan g‘oyib bo‘ldi.* P.Tursun, O‘qituvchi.

LIP-LIP *Otlarning yoliga tegay-tegay deb sinchalaklar lip-lip uchib o‘tardi.* S. Anorboyev, Oqsoy.

LO‘Q *Umid kirganda ham, chiqqanda ham ko‘zlarini lo‘q qilib turuvchi bu xotinni avvallari xush ko‘rmasdi.* Mirmuhsin, Umid.

LO‘Q-LO‘Q *Zo‘r berib malham surganiga ham qaramay, (jarohat) xasmoldek lo‘q-lo‘q alam berardi.* Mirmuhsin, Cho‘ri.

[1] Келтирилган манба. 5 жилдли. 2006-2008.

[2] Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 42.

[3] Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2009.

PICHIR *Gapning yomoni pichir, etning yomoni qichir.* Maqol. *Yonimda o‘tirgan ikki qizning pichiri qulog‘imga chalindi.* M. Jaloliddinova, Jur’at.

PICHIR-PICHIR *O‘tirib, kitobni tizzasiga qo‘ydi va pichir-pichir duo o‘qib, yuzini siypadi.* A.Qodiriy, Mehrobdan chayon.

TORS *Ayvon ham qiyshayib qolgan. Uning devorlari ham tors yorilgan, polda devordan tushgan suvoq parchalari yotibdi.* I. Rahim, Tinimsiz shahar.

TORS-TORS *Quyoshning olovli taftida tors-tors yorilib, osmondan tomchi tushishida o‘z najotini kutib turgan bu asriy cho‘llarda hech yurganmisiz?* S. Nurov, Durdona.

CHUVUR *Ko‘chadagi xotinlar chuvuri, bolalar yig‘isi yuragiga vahm solardi.* M. Ismoiliy, Farg‘ona tong otguncha.

CHUVUR-CHUVUR *Lak-lak odam. Chuvur-chuvur qilib, allanimalarni gaplashishadi*[1]. O‘. Hoshimov, Ikki eshik orasi.

Yordamchi va oraliqdagi so‘zlar aniq atash ma’nosiga ega bo‘lmaganligi sababli ularning qo‘llanilish o‘rni va ma’nosini aniqlash bilan bog‘liq mavhumlik hamisha mavjuddir. Matn ichidagina qaysi o‘rinda kelayotganligini yoki boshqa so‘zlar bilan birgalikda qanday ma’no anglatayotganligini kuzatish mumkin. Ushbu so‘zlarda ba’zi hollarda omonimlik, ko‘p ma’nolilik hodisalari ham uchrashi so‘z ma’nosi bilan bog‘liq turli chalkashliklarni yanada oshiradi. So‘zlarning uslubiy xoslanganligi, umumxalqda tor doirada qo‘llanilishi ham ko‘p hollarda kuzatiladi. O‘zbek tilining leksik qatlamini aniqlash uchun so‘zlarning qaysi sohada qo‘llanishiga, davr-zamonga ko‘ra iste’mol etilishiga va so‘z turkumlari jihatidan tarkibiga e’tibor berish lozim[2]. Lug‘atlarda yordamchi va oraliqdagi so‘zlarni berishda ularning har bir ma’nosiga (umumxalqda qo‘llanilish o‘rni, turli uslublarda va shevalarda kelish o‘rniga) imkon qadar illyustrativ misol berish, tavsifini kengaytirish, so‘zlarning turkumiga aniqlik kiritish lug‘at foydalanishda yengillikka, lug‘at imkoniyatlari (tezlik, aniqlik, xolislik) oshishiga xizmat qiladi.

Rezyume: Mazkur maqolada 5 jildli “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”ga kiritilgan takroriy taqlid so‘zlarni umumlashtirib har tomonlama (miqdori va ma’no turiga ko‘ra tasnifi, so‘zlarning berilishi bilan bog‘liq farqli yondashuvlarni) ko‘rsatib berdik. Lug‘atda *taql.s.* pometasi bilan yoki pometasiz berilgan takroriy taqlid so‘zlarni, sodda taqlid so‘zlarning turkumda berilishi, ularning takroriy variant turkumsiz berilish o‘rinlarini ham qiyosiy tahlil qildik. Mazkur maqolamiz taqlid so‘zlarni tuzilish turiga ko‘ra lug‘atlarga kiritilishi, kelgusida rivojlantirilishi bilan bog‘liq jarayonlarni o‘rganishga xizmat qiladi.

Resume: This article summarizes repeated imitation words included in the 5-volume “Annotated dictionary of the Uzbek Language” and comprehensively examines (classification according to the amount and type of meaning, different approaches to the presentation of words) we showed. We have also compared repeated imitation words given with or without sign, simple imitation words in the series and their places of presentation without repeated variant series. This article serves to study the processes related to the inclusion of imitation words in dictionaries according to the type of structure and their further development.

Резюме: В данной статье обобщены повторные слова-имитации, вошедшие в 5- томный “Аннотированный словарь узбекского языка” , и всесторонне рассмотрены (классификация по количеству и типу значения, различные подходы к изложению слов) показанные нами. Данная статья служит изучению процессов, связанных с включением слов-имитаторов в словари по типу структуры и их дальнейшему развитию.

[1] Келтирилган манба. 5 жилдли. 2006-2008.

[2] Пинхасов. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология ва фразеология. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ПЕРИОДЫ ФОРМИРОВАНИЯ НОВЕЙШИХ СЛОВ В УЗБЕКСКОМ И РУССКОМ ЯЗЫКАХ

Анахон Насуриллаевна Вапаева,
кафедра русского языка и литературы, Негосударственное образовательное учреждение Университет Маъмуна, Хива, Узбекистан

Данная тема представляет собой большой интерес, поскольку во многих сферах действительности наблюдается массовое появление новых слов. Это явление объясняется значительными изменениями в мире за последние двадцать лет, также научно-техническим прогрессом, пандемией Ковид-19, которая способствовала появлению новых слов во всех языках мира. Происходящие в обществе процессы, интеграции европейских стран, глобализации экономики также оказывают существенное влияние на состояние современного узбекского и русского языков. Системное взаимодействие всех лингвистических компонентов, стремление языка к эффективности и оптимизации ресурсов являются катализаторами появления новых слов и пополнения словарного состава языка. Изучение неологизмов в родном языке и в языке международного общения путем их сравнения способствует расширению словарного запаса и пониманию реалий современной жизни. Далеко не все люди понимают значения неологизмов, и это определяет актуальность данного исследования.

Уже почти два десятилетия состояние языков мира характеризуется крайней нестабильностью. Состояние современного русского и узбекского языков в начале столетия, изменения, которые в нем и сейчас активно происходят, нуждаются во внимательном изучении и освещении с целью выработки оценок и рекомендаций с позиций объективности и исторической целесообразности.

Цель данной статьи заключается в проведении сравнительного анализа этапов появления новых слов в современном русском и узбекском языках. Для исследования использовались труды исследователей А.А.Брагина, В.И.Заботкина, Н.З.Котелова, Т.В.Попова, Д.Кристал.

Материалом исследования данной статьи являются "Самый новейший толковый словарь русского языка XXI века" под редакцией Е.Н.Шагалова (2011), "Новое в русской лексике. Словарные материалы – 2015-2020", "Словарь русского языка коронавирусной эпохи" (2021), "O'zbek tilining izohli lug'ati" (2023). В словарях, описывающих неологизмы XXI века пределах одного выпуска, могли оказаться (и оказывались) даже слова, появившиеся в разные десятилетия.

В работе использовались следующие методы и приемы исследования:

– прием сплошной выборки;

– метод непосредственного лингвистического наблюдения;

– общенаучный описательно-аналитический метод с использованием приемов обобщения;

– интерпретации и классификации исследуемого материала для выделения различных групп и разрядов новых языковых единиц;

– сравнительно-сопоставительный метод (для изучения разновременных, синхронных срезов словарного состава исследуемых языков).

Область науки, которая изучает новых слов называется неологией и являются частью лексикологии. Слово неология появились в русском языке в XIX веке, и впервые термин был зарегистрирован в "Новом слово-толкователе" Н.М.Яновского (1804 года) и определяется как "наука составлять новые слова; новословие; изобретение, употребление новых слов". Неология как наука формировалась в русском языкознание в 60-х годах XX столетия, теоретическая база узбекской неологии находится в стадии формирования и не имеет определенной структуры.

Согласно Т.В.Поповой "При описании новых лексических единиц в современной лингвистике используется несколько близких по содержанию терминов: неологизмы, инновации, новообразования".[1] Термин *неологизм* от греческого языка буквально переводится как "новое слово", и он является самым популярным, характеризующим новое выражение или понятие. Слово неологизм трактуются по-разному в исследуемых языках и какие слова имеют статус неологизма являются спорным. Термин "неологизм" в русском языке отмечен впервые во второй половине XIX века (1864 г.) в "Настольном словаре для справок по всем отраслям знания" Ф.Толля.

В русском и узбекском языкознании представле-

[1] Попова Т.В. Русская неология и неография. Учебное электронное издание. ГОУ ВПО УГТУ – УПИ, Экатеринбург, 2005.

ны различные точки зрения на критерии выделения неологизмов, одни ученые считают, что неологизмы – это “слово или оборот речи, созданные для обозначения нового предмета или для выражения нового явления”[1], в то время как другие лингвисты что временной фактор в этом понятии имеет большое значение.

Наиболее широко принимаемым определением неологизма является точка зрения Н.З.Котеловой, доктора филологических наук, известной своим всесторонним подходом к новым словам. Она представила свою оригинальную систему “параметров-конкретизаторов”, основная идея которой заключается в определении неологизма через его сущностные и отличительные характеристики. Среди всех параметров, наиболее важным является “время”. Согласно Котеловой, это понятие исключительно важно при определении неологизма: “Параметр “время” - основной параметр: неологизмы – это такие слова какого-либо периода, которых не было в предшествующий период”[2].

Вслед за Н.З.Котеловой, в русском и узбекском языках мы можем различать три периода появления неологизмов:

– первый период включает в себе первое десятилетие XXI века (2000-2010 годы);

– второй период последующее десятилетие XXI века (2011-2020 годы);

– третий период охватывает фазу пандемии Ковид-19, в котором мир пережил лексический бум, (2021-2022 года), что способствовало появлению в исследуемых языках максимальное количество новых слов.

Неологизмы могут быть лексическими и семантическими. “Лексические языковые неологизмы могут образовываться из заимствованных слов по продуктивным словообразовательным моделям. Семантические появляются в результате появления нового, актуального, значения у слова”[3].

Важно отметить, что несмотря на то, что исследуемые языки являются неродственными языками, в процессе неологизации в этих языках наблюдаются похожие тенденции, множество слов, появившиеся в русском языке в начале XXI века существует и в узбекском языке. Это можно объяснить тем, что, когда неологизм войдет в состав какого-либо языка, они должны войти в состав интернациональной лексики. И этот процесс ускоряется с активными развитиями интернета и вообще электронной технологии.

Каждый период характеризуется специфическими особенностями в языке. Если подвергнуть поверхностному анализу любой отрезок времени в прошлом до настоящего момента, то с легкостью возможно отметить взаимосвязь лексического состава и особенностей, характерных для конкретного периода, реальности того времени и его отражение в словарном запасе.

В корпусе слов, связанных со сферой электронной технологии и интернетом, нами анализированы около 30 единиц, представляющих собой новую лексику:

1-период (2000-2010 гг.) Сравним значения неологизмов приведенных в “Самом новейшим толковом словаре русского языка XXI века” Е.Н.Шагалова[4] и “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”[5]:

Аккаунт

– учетная запись, которая заводится для пользователя при регистрации в электронной системе. Пример: “*аккаунт в Google дает доступ к приложениям и возможность настраивать внешний вид страницы как угодно*”.

– kompyuter tizimida saqlanadigan foydalanuvchi haqidagi shaxsiy ma’lumotlar, shu jumladan login, parol, kirish huquqlari, shaxsiy fayllar, sozlamalar. Пример: *O‘zbekistonda Telegram foydalanuvchilarining akkauntlariga kirib olib shaxsiy ma’lumotlarini o‘g‘irlash yoki akkauntlarini qaytarib berish evaziga mo‘may pul ishlashga urinayotgan mobil firibgarlar paydo bo‘ldi.*

Также слово аккаунт является частью ряд сложных слов в исследуемых языках: *аккаунт-менеджер, аккаунт-менеджмент, бизнес-аккаунт.*

Андроид

– Операционная система для мобильных телефонов, планшетных компьютеров и смартбуков; телефон на базе этой операционной системы. Пример: *Google наращивает модельный ряд, в армию “андроидов” постоянно вступают новые производители.*

– Mobil telefon, planshet, netbuk, televizor kabi elektron qurilmalarning ishlashi uchun yaratilgan maxsus operatsion dastur; maxsus operatsion tizim asosida ishlovchi qurilma, robot. Пример: *Talabalar android uchun shunday dastur yozganki, u bir qancha murakkab vazifalarni bemalol uddalaydi.*

Аудиофайл

– файл, содержащий звуковые данные (речь, музыку). Пример: *аудиофайл выложен на сайте, но прослушать его могут только американские пользователи, для остальных запись недоступна.*

– kompyuterda ovozni qayta tiklash maqsadida

[1] Розенталь Д.И., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. 1976. – С. 33

[2] Котелова Н.З. Первый опыт лексикографического описания русских неологизмов / Новые слова и словари новых слов. – Л.: 1978, с.15-31

[3] Вапаева А. Н. К ВОПРОСУ О СПОСОБАХ ОБРАЗОВАНИЯ НЕОЛОГИЗМОВ В РУССКОМ ЯЗЫКЕ //НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ “MA’MUN SCIENCE”. – 2023. – Т. 1. – №. 2.

[4] Шагалова, Е.Н. Самый новейший толковый словарь русского языка XXI века : ок. 1500 слов / Е.Н. Шагалова. – М.: АСТ: Астрель, 2011.

[5] O‘zbek tilining izohli lug‘ati: 80 000 dan ortiq so‘z va so‘z birikmasi. A.Madvaliyev, D.Xudayberganov. – T. G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2023.

ovoz amplitudasi va chastotasi haqidagi ma'lumotlardan iborat bo'lgan kompyuter fayli; ovozli yozuvni o'z ichiga olgan fayl. Пример: *Audiofayl kompyuteringizda saqlanmagan.*

Также в исследуемых языках обращают на себя внимание сложные имена существительные с ключевым компонентом *аудио*: *аудиосообщение (audioxabar), аудиозвонок (audioqo'ng'iroq), аудиокнига (audiokitob), аудиотекст (audiomatn), аудиовизуал (audiovizual)* и другие.

Блог

– страница в Интернете, оформленная в виде журнала, дневника, основное содержание которого – постоянно добавляемые записи, изображения и мультимедиа; сетевой журнал. Пример: *Блог – незамысловатая штука.*

– egasi tomonidan matnli, tasvirli yoki multimediali axborot bilan muntazam to'ldirib boriladigan vebsahifa. Пример: *Eng muhimi, «O'zbekiston tarixi» blogi o'ziga xps kutubxonani ham yaratdi.*

На базе существительного **блог** появились суффиксальные производные *блогер, блогинг, блогерство (blogerlik).*

Также лексическая единица **блог** продуктивна как часть сложных существительных-неологизмов: *блог-безумство, блог-волна, блог-запись, блог-культура, блог-литература, блог-платформы, блог-площади, блог-репортаж, блог-сервис, блог-система, блог-служба, блог-СМИ, блог-сообщество, блог-сфера, блог-феномен.*

Антиплагиат

– специальный программный комплекс, который выявляет текстовые заимствования. Пример: *Достаточно часто, тексты используются в исследовательских работах подлежат проверки в сервисах антиплагиат.*

– Maqola, monografiya va boshqa ilmiy-ijodiy ishlardagi ko'chirmakashlikni aniqlovchi maxsus dastur. Пример: *"Antiplagiar" internet loyihasi 2005-yil sentyabr oyida yaratilgan.*

Важно отметить, что вышеперечисленные единицы сейчас нельзя считать неологизмами. Эти слова были новыми для своего исторического периода (2000-2010 гг.), но сейчас уже освоены языком и не воспринимаются носителями языка как новые.

В результате изучения лексикографических источников нами выделены следующие неологизмы, появившийся 1-ом десятилетии XXI века (2000-2010 гг.), отражающие реалии разных сфер действительности:

Кастинг (кино, театр)

– отбор претендентов на участие в проекте. Пример: *Это обычно происходило во время моих первых кастингов и кинопроб*.

– Aktyor, qo'shiqchi va boshqalarning ko'rik tanlovlar, loyihada ishtirok etishi uchun dastlabgi saralash. Пример: *Toshkentda «Maftuningman - 2» filmi uchun kasting o'tkazildi.*

Как показывает наше исследование, **2-период (2011-2020 гг.)** включает в свой состав новых слов исследуемых языков, связанных со сферой электронной технологии и интернетом, и которые сохраняют свой статус неологизма и по сей день. Лексикографическим источником для анализа неологизмов данного периода послужили словарные материалы "Новое в русской лексике, 2015-2021" [1] и "O'zbek tilining izohli lug'ati"[2]:

Криптовалюта

– вид цифрового финансового актива, в эмиссии и учёте которого применяются различные криптографические методы защиты. Пример: *В Кремниевой долине уже появляются билборды продавцов, которые поддерживают криптовалюту.*

– Internet tarmog'i orqali hisob-kitoblarni amalga oshirishga mo'ljallangan, moddiy ifodaga ega bo'lmagan raqamli, virtual valyuta. Пример: *Eng yirik kriptovalyuta – bitkoin.*

Вебинар

– это онлайн-трансляция образовательного мероприятия (лекции). Также в это понятие можно включить непосредственно урок, записанный для тех, кто учится дистанционно. В режиме реального времени спикеры выступают с докладами либо презентуют продукт. Пример: *Участники моего продающего бесплатного вебинара должны купить мой онлайн-курс.*

– Internet tarmoqlari imkoniyatlaridan foydalangan holda o'tkaziladigan seminar, onlayn seminar. Пример: *Institut professor-o'qituvchilari tomonidan vebinar texnologiyalari asosida ma'ruzalar tashkil etildi.*

3-период (2020-2022 гг.) характерен лексикой, связанной с всемирной пандемией и названием вируса Ковид-19. В "Словаре русского языка коронавирусной эпохи" лексическая единица ковид предоставлено как многозначное слово и отмечены 4 значения данного слова. А в узбекском языке слово имеет одно значение.

Ковид

– 1. Инфекционное тяжёлое респираторное заболевание, вызванное коронавирусом SARS CoV-2; коронавирусная инфекция COVID-19. Пример: *Мы боимся эту группу пациентов, знаете, да, что ковид передается от тех, кто прибыл из-за границы?*

2. Разг., также проф. Коронавирус SARS CoV-2 – вирус, вызывающий тяжелое инфекционное ре-

[1] Новое в русской лексике. Словарные материалы – 2019 / Сост. Е.С. Громенко, А.Ю. Кожевников, Н.В. Козловская, Н.А. Козулина, С.Д. Левина, Ю.С. Ридецкая. Отв. ред. Ю.С. Ридецкая / Институт лингвистических исследований РАН. — СанктПетербург: Институт лингвистических исследований РАН, 2015-2021.

[2] O'zbek tilining izohli lug'ati: 80 000 dan ortiq so'z va so'z birikmasi. A.Madvaliyev, D.Xudayberganov. – T. G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2023.

спираторное заболевание COVID-19. Пример: *Уже около недели весь мир постепенно погружается в новую волну коронавирусной паники – к старому штамму ковида уже все успели привыкнуть, но появился новый...*

3. Разг. О пандемии коронавирусной инфекции; об условиях жизни и работы, вызванных пандемией. Пример: *150 дней в ковиде.*

4. Разг. В разговорной речи медиков — о ковидном отделении стационара. Пример: *Мы не можем пустить родственников, даже переболевших. Мы не можем обеспечить надлежащий уход, это надо признать. У нас нет в ковиде волонтеров, готовых рискнуть и помогать внутри больницы.*

– SARS-CoV-2 deb nomlangan virus keltirib chiqargan yuqumli kasallik.

Важно отметить, что лексическая единица *ковид* в исследуемых языках послужила производящей основой для ряда однокоренных слов с разными способами словообразования:

суффиксация: *ковидиот (kovidiot), ковидарность (kovidarnost), ковидный (kovidli)*

словосложение: *ковид-больница (kovid-kasalxona), ковид-волна (kovid-to'lqini), ковид-кризис* и другие.

префиксация: *антиковид (antikovid).*

Локдаун

– строгие санитарно-эпидемиологические ограничения по перемещению граждан; режим, при котором люди остаются там, где были (см. карантин, самоизоляция (здравоохранение), комендантский час). Пример: *Власти готовы ввести очередной локдаун, если ситуация не улучшится.*

– hukumat tomonidan ma'lum bir hudud yoki mamlakatda odamlarning harakatini va faoliyatni cheklash, odatda epidemiyalar kabi inqirozli vaziyatlar tufayli kasallikning tarqalishini oldini olish uchun ko'riladigan chora. Bu vaqt ichida odamlar uyda qolishi yoki tashqariga chiqish imkoniyatlari cheklangan bo'lishi kerak. Пример: *Lokdaun holatining oldini olishning yana bir yo'li jamoaviy immunitetni shakllantirishdir.*

Слово "локдаун" изначально было связано с тюремной терминологией и описывало период, когда заключенные находились в полной изоляции, сдерживая потенциальные попытки нарушений или даже мятеж. Однако, в результате пандемии коронавируса, это слово получило новое значение. Сейчас оно используется в контексте самоизоляции или полного ограничения социальных контактов. "Локдаун" стал популярным термином для обозначения режима, когда люди ограничивают свои перемещения и пребывают в изоляции, с целью предотвратить распространение вируса.

Если распределить новые слова по сферам употребления, то в разных периодах наблюдаются развитии лексики отдельные сферы действительности. Например, самое большое количество слов появились в течении всего периодов в сфере интернета, электроники.

Третий период отличается своей новой медицинской лексикой. Исследуемые языки, как и другие языки мира в периоде пандемии коронавирусной инфекции COVID-19 характеризуются невероятной интенсивностью различных неологических процессов: появлением новых слов и значений, яркой и разнообразной языковой игрой, активизацией целого ряда слов, сочетаний, формантов, словообразовательных моделей и т.п. Пик языкового творчества пандемии пришелся на апрель-май 2020 года – на период официального введения карантина по коронавирусной инфекции практически во всех странах мира. Появились многие слова с названием вируса с корнем "корона": ***короноскептик, карантикул, коронапаника.***

В дальнейших наших исследованиях более развернуто рассмотрим причины появления неологизмов, от каких источников появляются неологизмы.

Перспективы дальнейшего исследования данной темы заключаются в следующем:

1. Анализ явления языковой новизны неологизма, которое является главным критерием нового слова.

2. Проведение лингвистического интервьюирования среди носителей русского и узбекского языков различных возрастных категорий для выявления уровня понимания ими неологических единиц и ощущения степени их новизны в зависимости от возраста.

3. Более широкий анализ узбекских и русскоязычных газет и журналов для выявления других актуальных неологизмов в различных сферах общественной жизни, необходимых для разработки подробного словаря русских и английских неологизмов.

4. Распределение неологизмов в группы по семантическому аспекту, подробный анализ полученных групп.

Rezyume. Maqolada rus va o'zbek tillarida yangi so'zlar shakllanishi bosqichlari, neologizmlarning ma'nosi va ishlatilishining xususiyatlari qiyosiy tahlil qilingan.

Resume. The article examines the periods of formation of new vocabulary in the Russian and Uzbek languages. The features of the meaning and use of neologisms are analyzed comparatively.

Резюме. В статье рассматриваются периоды формирования новой лексики в русском и узбекском языках. Сравнительно анализируется особенности значений и употреблений неологизмов.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИ ЎЗБЕКЧАЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич,
Андижон давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

Дарслик ва қўлланамалар муҳокамасига бағишланган кўрсатувни томоша қилиб ўтирибман: экспертлар орасида қизғин баҳс кетди, жуда муҳим масалалар кўтарилди, яхши фикрлар айтилди. Шу асно кўрсатувда меҳмон сифатида қатнашаётган бир талаба сўз олиб, *ҳозирда бизга тавсия этилган ўзбек тилидаги айрим дарсликларни тушуниш учун аввал ўзбекчага қайта таржима қилдириш керак* деб қолди. Талаба даъвом қуруқ бўлмасин деди шекилли, мана исботи дегандай қўлидаги китобларни нуқиб кўрсатди: не кўз билан кўрайки, кўрсатаётгани каминанинг муаллифлигидаги 1918 йилда чоп қилинган "Адабиёт назарияси асослари" дарслиги эди. Рости, бошимдан бир пақир муздек сув қуйиб юборилгандек бўлди десам, камлик қилади. Ахир, айни шу дарслик мутахассисларнинг яхши баҳосини олган, ўтган вақт ичида яна икки марта ўзимизда, бир марта қўшни Қозоғистонда босилди...

Мен талабанинг нега бундай фикрга келганини кўп мулоҳаза қилдим. Ўйлашимча, унинг эътирозини қўзғаган нарса – адабиёт назарияси бўйича тайёрланган дарсликда, табиийки, терминларнинг кўплиги бўлса керак, деган тўхтамга келдим. Дарвоқе, мазкур хулосага келишимга ижтимоий тармоқда дарсликнинг бошқа бир танқидчиси бўлмиш блогернинг *кўп катта ёзувчи ва шоирлар, машҳур мунаққидлар билан адабиёт ҳақида суҳбатлашгани, уларнинг адабиёт ҳақидаги теран фикрларини осон тушунгани ҳолда дарсликни тушунишга қийналганини* ёзгани бўлди. Гарчи блогер фикрлари менга мурожаат шаклида ёзилган бўлса-да, вақтида жавоб бермагандим, жавоб беришни лозим кўрмагандим. Сабаби, адабиёт ҳақидаги суҳбатларни тушунган одамнинг адабиёт назарияси бўйича дарсликни тушуна олмаслиги, табиий ҳол, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ деб биламан. Зеро, бунинг учун дарсликда ишлатилаётган терминлар маъносини билиш талаб этиладики, шу ҳолдагина ундаги мавзулар, қўйилаётгган масалалар моҳиятига кириб бориш мумкин бўлади. Дарслик (у 4-босқич талабаларига мўлжалланган) фойдаланувчиси эса терминларнинг кўпи билан 1-босқичда танишган ("Адабиётшуносликка кириш" фани доирасида); айримларини маъруза машғулотлари давомида фан ўқитувчисидан эшитиб билган, қолганларини эса терминологик луғатлардан фойдаланиб билиб олиши мумкин. Айтмоқчиманки, фан соҳалари бўйича дарсликларда терминларнинг кўп бўлиши табиий ва зарур, бу ўринда уларни тушунтириб ё таржима қилиб беришни, она тилимиз софлигини рўкач қилган ҳолда ўзбекчалаштиришни талаб қилиш тўғри эмас.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги иккита ирмоқдан сув ичади: бири Шарқ мумтоз адабиётшунослиги бўлса, иккинчиси рус (ва у орқали Ғарб адабиётшунослиги). Шунга кўра бугун адабиётшунослигимизда қўлланаётган терминлар ё *араб-форс*, ё *юнон-лотин-рус* асосларга эгадир. Яна бир жиҳати, мумтоз адабиёт бўйича тадқиқотларда *араб-форс* терминлари кўпроқ бўлса, замонавий адабиёт ё назарий характердаги ишларда иккинчи гуруҳ атамалари устувордир.

Мустақиллик арафаларидан бошлаб кўп диссертация муҳокамаларида қатнашиб келаман: деярли ҳаммасида даъвогар русча терминларни кўпроқ қўллагани камчилик сифатида айтиб ўтилади; авторефератларга ёзилган тақризларнинг қарийб ярмида ҳам шу нуқсон қайд этилади. Лекин қарийб ўттиз беш йил бўляпти экан, ҳали бир жиддий ўзгариш бўлмади. Бунинг эса ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор.

Объектив сабаб деганимиз терминларнинг илмий муомалани амалга оширишда муҳим омил, айтиш керакки, асос эканлиги билан боғлиқ. Тўғри қўлланган термин ифода этилаётган илмий фикрни ўқувчига аниқ етказиши билан аҳамиятлидир. Зеро, илм одами терминлардан фойдаланиб илм одами учун илмий фикр-хулосаларини ифодалайди. Шундай экан, бу – мулоқотнинг иккала иштирокчиси орасидаги иш, бас, соҳага бегона кишиларнинг бу масалага аралашуви дуруст эмас. Соҳамиздан бир мисол келтирай. Эсингизда бўл-

са, 90-йиллардан бошлаб илмий муомалада оммалашиб бўлган “образ” термини ўрнига “тимсол” термини фаол қўллана бошлади. Тилни тозалашга мойиллик кучлилигидан, иккинчи тарафи, дарсликлардан жой олгани сабабидан “тимсол” термини жуда тез оммалашди. Ўшанда балки кимлардир “тил кўниккач” ва тилдан фойдаланувчилар у ёки бу терминнинг ўрнида қайси сўзни қўллаш ҳақида “келишув”га эришгач, масала ҳал – энди фақат “тимсол” деб ишлатамиз экан, деб ўйлагандир. Лекин ундай бўлмади: тез орада яна “образ” термини фаоллашди, эришганимиз бу термин ўзининг арабий асосли синонимига эга бўлиб қолгани бўлди, холос. Хўш, нега шундай бўлди?

Адабиётшуносликка оид ишларда “образ” термини билан боғлиқ ҳолда “образлилик”, “образли тафаккур”, “образли ифода”, “образли тил”, “тилнинг образлилиги”, “автор образи”, “ровий образи”, “ўқувчи образи”, “табиат образи”, “образлар системаси”, “образ структураси”, “образли параллелизм” сингари атамалар ҳам қўлланади. Кўриб турганимиздек, “образ” сўзи семантик уяни ҳосил қилади ва уяга кирувчи атамаларнинг ҳаммаси учун маъно ядроси бўлиб хизмат қилади. Яъни мазкур атамалар маъноси “образ” сўзининг терминологик маъноси орқали рўёбга чиқади. Агарда биз “тимсол” сўзини ўринма-ўрин муомалага киритмоқчи бўлсак, у саналган терминлар таркибида “образ” сўзини бекаму кўст алмаштириши лозим бўлади. Бироқ амалда бундай бўлмади, адабиётшунослигимизда “тимсоллилик”, “тимсолли тафаккур”, “тимсолли ифода”, “тимсолли нутқ”, “бадиий нутқнинг тимсоллилиги”, “автор тимсоли”, “ровий тимсоли”, “ўқувчи тимсоли”, “табиат тимсоли”, “тимсоллар системаси”, “тимсол структураси”, “тимсолли параллелизм” каби атамалар деярли қўлланган йўқ. Сабаби бу бирикмалар таркибида “тимсол” сўзи доим ҳам “образ” сўзига эквивалент бўлолмайди. Масалан, “образли нутқ” дейилганда информацияни реципиент тасаввурида предметли тарзда жонланган манзаралар орқали етказувчи нутқ назарда тутилади. Айни шу тушунча “тимсолли нутқ” шаклида ифодаланса, “тимсол” сўзидаги “мисол” семаси устунлик қилиб қолади (“мисолли нутқ”, “мисоллар билан бойитилган нутқ” маънолари рўёбга чиқади) ва натижада ифодалаш кўзланган маънодан узоқлашилади. Аксинча, уя таркибида “образли нутқ” термини “образ” атамаси орқали “образлилик” терминига боғланади ва шу асосда ифодалаш кўзланган маънони воқелантиради. Маълум бўладики, уя таркибидаги ядровий маъно терминларнинг бир-бири билан боғланиши ва конкрет маънони юзага чиқаришига хизмат қилади. Шундай экан, термин ўзбекчалаштирилган ҳолда уядаги у билан боғлиқ барча ҳосила терминлар ҳам ўзбекчалаштирилиши лозим бўлади. Бунинг эса турли сабабларга кўра, биттасини юқорида кўриб ўтдик, имкони йўқ.

